

Umadan umagacha

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов 19 апрел куни Оксаройда "Лукойл нефть компанияси" очик акциядорлик жамияти президенти Вагит Александровни қабул қилди. Учрашувда "Лукойл НК" ОАЖнинг Ўзбекистондаги қатор сармоявий блокларда геология-разведка ишларини бажариш ва углеводород конларини ўзлаштириш соҳасидаги фаолияти, шунингдек, Бухоро вилоятида газини қайта ишлайдиган янги завод қурилишининг бориши муҳокама қилинди.

Жорий йилнинг 20 апрел куни Ўзбекистон Республикаси Вазирилар Маҳкамасининг мажлиси бўлиб ўтди. Мажлисда жорий йилнинг биринчи чорагида республикани ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш яқунлари муҳокама қилинди ва Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов томонидан шу йил 19 январда республика Хукуматининг мажлисида белгилаб берилган 2012 йилда мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурининг энг муҳим устувор вазифалари амалга оширилишини сўзсиз таъминлашга доир чора-тадбирлар ишлаб чиқилди.

Саудия Арабистони Подшоҳлиги Маслаҳат кенгаши Раиси Абдулла ал аш-Шайх раҳбарлигидаги делегациянинг мамлакатимизга ташири доирасида 24 апрел куни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати, Қонунчилик палатаси ва Ташқи ишлар вазирлигида учрашувлар ўтказилди. Мулоқотлар чоғида Саудия Арабистони делегацияси аъзолари Ўзбекистон истиқлол йилларида ижтимоий-сиёсий ва социал-иқтисодий ислохотларни амалга ошириш борасида улкан ютуқларни қўлга киритганини алоҳида таъкидлади.

Ўзбекистон Савдо-саноат палатасида 24 апрел куни Ўзбекистон ва Хитой ишбилармонларининг учрашуви бўлиб ўтди. Учрашувда ҳамкорликда қўллаб сохаларда ўзро манфаатли лойиҳалар ишлаб чиқиш ва амалга ошириш юзасидан келишиб олинди, шунингдек, қурилиш, транспорт, энергетика, спорт соҳаларида маҳсулотлар ишлаб чиқаришга ихтисослаштирилган корхоналар ҳамкорлигини мустаҳкамлашга оид масалалар кўриб чиқилди.

Пойтахтимиздаги "Ўзэкспомарказ" мажмуида 24-27 апрел кунлари "Соғлиқни сақлаш — ПНЕ" 17-халқаро кўرғазмаси бўлиб ўтди. Маъруза тадбир "ITE Uzbekistan" халқаро кўрғазмалар компанияси, Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш ҳамда Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирликлари, "Ўзтибтехника" акциядорлик компанияси, республика Савдо-саноат палатаси ва бошқа тегишли ташкилотлар ҳамкорлигида ташкил қилинди.

Яқинда Шанхай ижтимоий фанлар академиясида бўлиб ўтган давра суҳбати доирасида Ўзбекистоннинг "Мустақкам оила йили Давлат дастури" тақдими уюштирилди. Ушбу тақдимот Ўзбекистон Республикасининг Шанхайдаги бош консуллиги кўмагида ташкил этилди.

Тошкент ахборот технологиялари университетида Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги Хайъатининг кенгайтирилган йиғилиши бўлиб ўтди. Мажлис видео ҳамда аудио селектор орқали олиб борилди. Йиғилишни бошқарган Агентлик Бош директори, Хайъат раиси Х.Мирзахидов кун тартибидagi асосий масала — 2012 йилнинг биринчи чорагида алоқа ва ахборотлаштириш соҳаси корхоналарини ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш яқунлари ва иқтисодий ислохотларни чуқурлаштиришнинг асосий йўналишлари тўғрисида фикр юритар экан, Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан соҳага топширилган вазифалар ижросини сўзсиз бажариш юзасидан амалга оширилаётган ишларни жадаллаштириш, иш ҳақининг ўз вақтида тўланишини, пенсия маблағларининг сақланиши ва ўз муддатида етказилишини таъминлаш, кадрларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш, захира масалаларига алоҳида эътибор қаратиш, коллеж битирувчиларини иш билан таъминлаш, "Мустақкам оила йили Давлат дастури" да соҳа бўйича белгиланган тадбирларни тўлиқ амалга оширишни жадаллаштириш лозимлигини таъкидлади. Шундан сўнг Агентлик Бош директори ўринбосари Ш.Атамухамедов ҳисобот даврида амалга оширилган ишларга тўхталиб, атрофлича таҳлил қилди.

Биринчи чорак

Изланишлар, ютуқлар,

Ҳисобот даврида тизимдаги компаниялар, жамиятлар ва корхоналар томонидан ҳукумат қарорлари билан белгиланган дастурлар ва тадбирларнинг бажарилишини таъминлаш бўйича ишлар олиб борилди ва яхши натижаларга эришилди.

2012 йилда Ўзбекистон Республикасининг 2012 йилги Инвестиция дастурига Агентлик бўйича киритилган тўғридан-тўғри жалб қилинган хорижий сармоялар ҳамда корхоналарнинг ўз маблағлари ҳисобига амалга оширилган лойиҳалар бўйича 2012 йилнинг биринчи чорагида 19,27 млн. АҚШ долл. режалаштирилган бўлиб, жами 65,31 млн. АҚШ долл. (123,4 млрд. сўм) ўзлаштирилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 27 декабрдаги "Ўзбекистон Республикасининг 2012 йилги Инвестиция дастури тўғрисида"ги қарорига кўра, "Ўзбектелеком" АК ҳам бир қатор инвестиция лойиҳаларини амалга ошириши белгиланган. Биринчи чорак даврида Бойсун-Денов оралиғида 94,1 км. оптик алоқа линияларини қуриш лойиҳаси бўйича ишлар бошлаб юборилди. Ургут-Шахрисабз оралиғида 78,1 км. оптик алоқа линияларини қуриш лойиҳаси бўйича ишлар тўлиқ яқунланди. Халқаро коммутация марказларини NGN технологияси асосида модернизация қилиш ва кенгайтириш лойиҳаси бўйича Техник топшириқлар ва Дастлабик техник-иқтисодий асослар тасдиқланди. Ҳозирги кунда лойиҳа доирасида ўтказиладиган тендер савдоларини келишиш ишлари олиб борилмоқда.

"Ўзбектелеком" АКнинг маҳаллий телекоммуникация тармоғини янги авлод тармоғи (NGN) технологиялари асосида модернизация қилиш ва ривожлантириш лойиҳаси доирасида тендер савдолари ўтказилди. Лойиҳа бўйича ОТАК ёқизиш ҳамда қурилушларни белгиланган жойларга ўрнатиш юзасидан лойиҳа-смета ҳужжатлари ишлаб чиқилмоқда.

Халқаро пакетли коммутация марказини кенгайтириш ва модернизация қилиш лойиҳаси бўйича Техник топшириқлар ишлаб чиқилиб, ҳозирда Агент-

лик мутахассислари томонидан кўриб чиқилмоқда.

"ЎзМобайл" филиали CDMA-450 мобил алоқа тармоғини модернизация қилиш ва кенгайтириш лойиҳаси бўйича тендер ўтказилиб, ёқилиб деб топилган компанияларга шартномалар имзолаш учун тақдим этилди.

Интернет тармоғидаги GOV.UZ ҳукумат портали такомиллаштирилди ва у орқали фуқаролар мурожаатлари қабул

2012 йилнинг биринчи чорагида алоқа ва ахборот-коммуникация технологиялари соҳасидаги корхоналар томонидан 679,6 млрд. сўмлик хизматлар кўрсатилди (ўтган йилга нисбатан ўсиш суръати 20 фоиз), шу жумладан, аҳолига алоқа хизматлари кўрсатиш 435,0 млрд. сўмни ташкил этди (ўсиш суръати 20,9 фоиз).

қилиниши ва давлат интерактив хизматлари кўрсатилиши йўлга қўйилмоқда. Ҳукумат порталида Фуқаронинг шахсий кабинети модулини ишлаб чиқиш бўйича ишлар яқунланди ва ушбу модул интернет тармоғида www.mv.gov.uz манзили бўйича ишга туширилди.

Давлат органларида ахборот технологияларининг фойдаланишда компютер саводхонлиги билимларини синовдан ўтказиш бўйича ҳукумат қарори асосида аттестация ишлари бошлаб юборилди.

Интернет хизматини кўрсатувчи хўжалик юртувчи субъектлар сони — 936та (2011 йил 1 чорақда 903та), жамоа пунктларининг сони эса 1050та (2011 йил 1 чорақда 968та) ташкил этди.

"Ўзбекистон почтаси" ОАЖ томонидан шу кунгача жами 1519та автоматлаштирилган иш жойи (АИЖ) ярати-

либ, шундан 1298таси аҳолига етказат кўрсатувчи, яъни 945таси Электрон пул ўтказма (ЭПЎ)лари ҳамда Пул тўловларини қабул қилиш (ПТҚК) тизими-га, (шундан 67таси ЭПЎ ва 278таси ПТҚК тизимида жорий йилнинг 1 чорагида уланган).

Жамиятнинг ҳудудий филиалларида ОАТ "Алоқабанк" ва бошқа банклар билан ҳамкорликда ўрнатилган 1121та пластик карточка терминаллари орқали аҳолига хизмат кўрсатиш ишлари олиб борилмоқда, шундан 129таси 2012 йилнинг 1 чорагида олинган.

"Пенсия тўловлари ҳисоб-китоби ва назорати автоматлаштирилган тизими"ни жорий этиш, "Обуна" АТни яратиш ва ишга тушириш ишлари олиб борилмоқда.

"Матбуот тарқатувчи" АК тизимидаги корхоналарда вақтли матбуот нашрларини истеъмолчига тез ва сифатли етказиб беришни, аҳолига қўшимча хизматлар кўрсатиш сифатини янада такомиллаштиришни таъминлаш ҳамда тизимни ривожлантириш мақсадида "2011-2014 йилларда вақтли нашрларни тарқатиш тармоғини замонавийлаштириш ва хизматларнинг янги турларини жорий этиш Дастури"нинг асосий йўналишлари бўйича 2012 йил 1 чорақда режалаштирилган ишлар амалга оширилди. Режага мувофиқ, биринчи чорақда Тошкент шаҳри туманларининг аҳоли гавжум жойларига янги дизайндаги уч дона "Матбуот" дўкони жойлаштирилди ва фаолият олиб борилмоқда.

"Автоматлаштирилган обуна тизимини модернизация қилиш Дастури" бўйича автоматлаштирилган обуна компютер дастури компаниянинг 12та вилоят корхоналарига ўрнатилиб, ахборот алмашинуви бўйича тест синовлари ўтказилган.

Вилоят корхоналарининг 2012 йил обуна буюртмалари компания серверида ягона обуна базасига жамланган. Ҳозирда Бухоро, Навоий, Хоразм ва Андижон вилоятлари корхоналарининг 45та туман бўлимлари автоматлаштирилган обуна тизимига уланиб, тест синовлари ўтказилган.

ФАКТ ВА РАҚАМЛАР

- Экспорт ҳажми **60,7** млн. ва импорт ҳажми **22,43** млн. АҚШ долларини ташкил этди.
- Биринчи чорак якунига кўра, ЭРИ калитларининг умумий миқдори **230 221**тага тенг (2011 йил 1 чорақда — 163 531та).
- АТСларни рақамлаштириш даражаси **97,1** фоизни ташкил этди. Бу кўрсаткич ўтган йилнинг шу даврида **93,7** фоиз эди.

Бугунги кунда барча ахборот-кутубхона марказларининг веб-сайтлари яратилган ва мунтазам янгиланиб борилмоқда ҳамда уларда китобхонлар интернет ва "ZiyoNET" тармоқларидан фойдаланиб келмоқдалар.

2012 йил I чорақ давомида "TELMAX ELEKTRONIKS" МЧЖ ИЧК томонидан 4 000 дона (98,3 млн. сўм), "Telecom Innovations" қўшма корхонаси томонидан 3 500 дона (103,2 млн. сўм) жами 201,5 млн. сўмлик 7500 дона рақамли телевидение сигналларини қабул қилувчи "Set top box" қурилмалари ишлаб чиқилди.

Тошкент ахборот технологиялари университети ва унинг ҳудудий филиалларининг Агентлик тизимидаги корхоналар билан интеграциясини янада ривожлантириш мақсадида "Электромагнит мослашув мар-

дан, 12840 нафари яъни 90,2 фоизи уч томонлама шартнома имзолаган. Қолган 1400 нафар, яъни 9,8 фоиз битирувчи билан корхона ва ташкилотлар ўртасида шартнома тузиш ишлари давом этмоқда.

2012 йил I чорагида жами 21та, жумладан, 11та асосий иш ўринларини ҳамда 10та касаначилик иш ўринларини ташкил этиш белгиланган бўлиб, амалда жами 24та, жумладан, 13та асосий иш ўрни ҳамда 11та касаначилик иш ўрни ташкил этилди.

Хайъат мажлисида "Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Замонавий ахборот-коммуникация технологияларини янада жорий этиш ва ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"даги 1730-қарори ижроси тўғрисида" "UZINFOCOM" маркази ДУК директори Ж.Раҳимов, "2012 йилнинг

яқунлари

режалар, вазифалар

кази" ДУК томонидан учта, "Радиоалоқа, радиоэшитириш ва телевидение маркази" ДУК томонидан бешта, "Unicon.uz" ДУК томонидан иккита мавзулар бўйича университет мос кафедралари билан биргаликда илмий изланишлар олиб борилмоқда. 2012 йил январь-март ойларида университетдан 9 нафар профессор-ўқитувчи, филиаллар бўйича жами 16 нафар профессор-ўқитувчи соҳа корхоналарида ўқув жараёнидан ажралмаган ҳолда амалий тажриба оширган. ТАТУ ва унинг филиаллари орасида

Инвестиция дастурига киритилган тегишли лойиҳаларнинг белгиланган муддатлардан кечикиши сабаблари ва уларни бартараф этиш тўғрисида" "Ўзбектелеком" АК бош директори М.Махмудовлар маълумот беришди. Шунингдек, йиғилишда "Соҳа тизимидаги корхона ва ташкилотларга бириктирилган касб-хунара коллежлари билан ҳамкорликда амалга оширилаётган ишлар ҳамда битирувчиларни иш билан таъминлаш натижалари тўғрисида"ги масала бўйича "Ўзбектелеком" АК, "Ўзбекистон почтаси" ОАЖ, "Радиоалоқа, радиоэшитириш ва телевидение маркази" ДУК ва соҳанинг бошқа корхона ва ташкилотлари раҳбарларининг ҳисоботлари эшитилди.

Хайъатда Ўзбекистон алоқа ходимлари касаба уюшмаси марказий кенгаши раиси Т.Тешабоев "Алоқа ва ахборотлаштириш корхоналари тасарруфидоги болаларни соғломлаштириш оромгоҳларини 2012 йил ёз мавсумига тайёрлаш ишлари ҳақида" ахборот берди.

Ахборотчи соҳа ходимларининг 7-13 ёшгача бўлган фарзандлари сони 2012 йил 1 апрел ҳолатига 10148 нафарни ташкил этишини маълум қилди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 10 мартдаги "Болаларнинг дам олишини ташкил этиш ва соғломлаштириш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги 67-қарори асосида ЎзАААнинг 2012 йил 19 мартдаги 88-буйруғига мувофиқ Алоқа ходимлари касаба уюшмаси марказий кенгаши томондан "ЎЗИ" ҚКнинг "ЎЗИ-Жиззах" ва "ЎЗИ-Қарши" филиаллари тасарруфидоги "Алоқачи" оромгоҳлари, "Ўзбектелеком" АК "ТШТТ" филиалига қарашли "Алоқачи" ва "Нилуфар" ҳамда Бухоро филиалига қарашли "Ёш алоқачи" оромгоҳларида мавсумга тайёр-гарлик ишлари атрофлича ўрганиб чиқилди. Ўрганиш жараёнида аниқланган камчиликлар бўйича далолатномалар тузилиб, ижросини таъминлаш юзасидан назорат олиб борилмоқда. Жорий йилнинг 25 майига қадар ишларни яқунлаш ва давлат қабул комиссиясига топширилиши белгиланган.

Хайъатда кўриб чиқилган масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

Интернетдан фойдаланувчилар сони жами 9,1 млн. тани ташкил этди (2011 йилнинг шу даврида 7,5 млн. та, ўсиш 121,3 фоиз), жумладан, анъанавий усулда фойдаланувчилар 3,85 млн. тани (2011 йил I чорақда 3,362 млн. та) ва мобил интернет фойдаланувчилари 5,2 млн. тани ташкил этди (2011 йил I чорақда 4,185 млн. та), ўсиш мос равишда 114,6 фоиз ва 124,2 фоиз).

"Huawei" компаниясининг видеоконференция тизимига асосланган масофавий таълим тизими йўлга қўйилган. Режага асосан ҳафтада 14 соат филиал талабалари учун видеоконференциялоқа орқали масофавий таълим олиб бориляпти.

Агентлик тизимидаги корхона ва ташкилотларга бириктирилган соҳа йўналишидаги 74та касб-хунара коллежининг 2011/2012 ўқув йилидаги 14240 нафар битирувчинининг барчаси, яъни 100 фоизи тизимдаги корхона ва ташкилотлар билан амалиёт ўташ бўйича шартномалар имзолаган. Коллеж битирувчиларини иш билан таъминлаш мақсадида соҳа корхона ва ташкилотлари билан уч томонлама шартномалар тузиш ишлари давом этмоқда. Жорий йилнинг март ҳолатига 14240 нафар битирувчи-

"ALSKOM" суғурта компанияси таклиф қилади:

Ихтиёрий тиббий суғурта — бу мутахассис врач маслаҳати, тиббий муолажалар ўтказиш, жарроҳлик амалиёти каби тиббий ёрдамларнинг тезкор, сифатли ҳамда арзон бўлишининг кафолатидир.

Ихтиёрий тиббий суғурта

Ихтиёрий тиббий суғуртанинг аниқ ва муҳим мақсади фуқаролар ва ташкилот ходимларини ишончли тиббий ёрдам билан таъминлаш, яъни касалликнинг олдини олиш ва уни сақлаш вазифаларига комплекс ёндашишдир. Ихтиёрий тиббий суғурта полиси ёрдамида маблағингиз билан бирга вақтингиз ҳам тежалади, суғурталанувчиларга ихтиёрий тиббий суғурта полисига кўра врач қабули аниқ вақтга тайинланган бўлади ҳамда заруриятсиз муолажалар белгиланмайди. Энг замонавий клиникаларда даволашни, юқори малакали мутахассис маслаҳатлари ва даволаш амалиёти ҳамда шифохонага жойланишдаги сифатли сервис — буларнинг ҳаммаси ихтиёрий тиббий суғурта полиси ёрдамида амалга ошади.



Бугунги кунда "ALSKOM" суғурта компаниясининг ривожланиб бораётган ва истиқболли йўналишларидан бири бу Ихтиёрий Тиббий Суғуртадир.

"ALSKOM" суғурта компанияси тиббий суғурта дастурлари қуйидаги афзалликларга эга:

- Юқори сифатли тиббий хизмат билан таъминланишнинг кафолатланганлиги;
- Ҳар бир суғурталанган шахсга индивидуал ёндашиш;
- Тиббий муассасаларда янада юқорироқ стандартларда хизмат кўрсатиш, малакали мутахассис хизматлари;
- Малакали мутахассислар хизмат кўрсатадиган, тун-кун ишлайдиган ахборот-маълумот маркази;
- Қўшимча хизматлар пакети ва кўплаб бошқа имкониятлар. Ихтиёрий тиббий суғурта хизматларини тақдим этиш суғурта компанияси, ассистанс хизмати ва тиббий муассасаларнинг ўзаро ҳамкорлигида амалга оширилади. Суғурта полисига эга бўлиш бу суғурталанувчига компаниянинг суғурта дастурларида иштирок этувчи тиббий муассасалар (клиника, тиббий марказлар, аптека, поликлиникалар ва бошқалар)да бепул тиббий хизмат олиш имконига эга бўлиш демакдир.

"ALSKOM" СК таклиф этаётган Ихтиёрий Тиббий Суғурта суғурталанувчига энг замонавий тиббий технологиялар ёрдамида юқори сифатли тиббий ёрдамларни олиш имконини беради.

Шунингдек, кун-тун ишлайдиган алоқа хизмати (Call-марказ) соғлиқ билан боғлиқ барча савол ва муаммоларни тезкор тарзда хал этиш имкони ҳамдир.

"ALSKOM" суғурта компанияси ихтиёрий тиббий суғурта бўйича қуйидаги тиббий хизматларни кўрсатади:

- малакали врач-мутахассисни уйга чақиртиш;
- амбулатор-поликлиника хизмати;
- стационар хизмат;
- тез ва шошилчи тиббий ёрдам;
- стоматологик хизмат;
- вакцинация ва диспансер кўриқдан ўтказиш;
- дори-дармон таъминоти.

"ALSKOM" СКнинг Ихтиёрий Тиббий Суғуртасини танлаб, юқори даражадаги тиббий хизматларни олиш, замонавий тиббий ускуналарда диагностика текширувдан ўтиш, касалликнинг олдини олиш ва уни даволаш, профессионал тез ёрдам ва реанимация хизматидан, стоматологик ёрдам ва кўплаб бошқа хизматлардан фойдаланиш мумкин бўлади.

"ALSKOM" тиббий суғурта полиси — осойишталик гарови!

Боғланиш учун телефон: 147-11-00 (313).

Хизматлар лицензияланган

- 2012 йилда республика аҳолисини рақамли телевидение сигналлари билан таъминлаш қамрови **45 фоизга** етказилади.
- Давлат органларининг ахборот ресурслари сони **195тага** етказилди. Интерактив давлат хизматларининг тури **155тага** етди.
- 2012 йил I чораги давомида АКМлар фонди **4 минг 697** нусхадаги адабиётга ошган ҳамда уларнинг умумий фонди **4 млн. 956 минг** нусхани ташкил этди.

"Бош коммутация маркази" филиали ҳақида

Узоқ йиллар давомида Москва халқаро оператори орқали аҳолига ярим автоматлаштирилган ва қўл кучи билан халқаро алоқа хизмати кўрсатиб келинган мазкур корхонада асосий ўсиш ва янгиланиш республикаимиз мустақилликка эришганидан сўнг амалга оша бошлади.

1991 йилнинг ноябр ойида Ўзбекистон Республикаси Алоқа вазирлигининг махсус буйруғи билан NEAX-61 халқаро коммутация станцияси ва "INTELSAT" ер станцияси қуриш лойиҳаси асосида қурилиш ишлари бошлаб юборилди. Мазкур станцияларнинг

ишга туширилиши юртимиз аҳолисига дунё мамлакатлари билан телефончилар иштирокисиз, автоматик тарзда тўққиз йўналиш орқали уланиш имконини берди.

Мустақиллик йилларида яна учта рақамли коммутация тизими қурилиб, фойдаланишга топширилди. Корхонада транспорт тармоғи, IP-телефония, телеграф алоқаси ривожлантирилиб, барча асбоб-ускуналар янгиланди. Бугунги кунда филиал соҳадаги энг ривожланган, замонавийлаштирилган корхоналардан бири сифатида корхона ва ташкилотлар ҳамда аҳолига намунали алоқа хизмати кўрсатмоқда.

"БКМ" корхонаси учун

Хотирлаш ва Қадрлаш

Устозлардан бири

Марат ака Зоҳидов ҳақида гап кетгудай бўлса, Ўзбекистон алоқачиларининг устози дея таъриф беришади. Чиндан-да, Марат Зоҳидов (Аллоҳ ўз раҳматиға олсин) ўзидаги иқтидор, ўткир зехн, кучли билим сабаб хизмат ишлаб-пояларидан кўтарила бориб, Ўзбекистон алоқа вазирлигининг ўринбосари вазифасида ҳам ишлади.



1993 йилнинг феврал ойидан 2002 йилнинг март ойигача "БКМ" (ТошТТС) филиалига раҳбарлик қилган Марат Зоҳидов корхонада яроқсиз ҳолга келган ашпаратларни янги, замонавийси билан алмаштиришга муваффақ бўлди, кўплаб меҳнат жараёнлари автоматлаштирилди. 1995 йилда EWSD туркумидаги ШАТС ишга туширилди ва 1998 йилда кенгай-

тирилди. М.Зоҳидов Транс-Осиё-Европа алоқа магистрала бўйича халқаро алоқа йўналишларини тест кўригидан ўтказиш ва ишга туширишда фаол иштирок этди.


Филиалга раҳбарлик давомида Марат аканинг ташаббуси билан кам таъминланган пенсионерлар ҳамда

муҳтож оилаларга ҳар чоракда энг кам иш ҳақи миқдорида моддий ёрдам бериш йўлга қўйилди.

Марат Зоҳидов кўп йиллик иш фаолияти давомидаги эришган ютуқлари, шунингдек, қатор раціонализаторлик таклифларини ишлаб чиқаришга жорий эта олганлиги учун 1999 йилда "Моҳир алоқачи" унвони, 2000 йили "Шухрат" медали, 2001 йили "Ўз касбининг устаси" нишони билан тақдирланган.

Марат Зоҳидовнинг саъй-ҳаракати билан 2000 йилда қўшимча 12 миң коммутация нуқтаси ишга туширилди ва бунинг натижасида кўрсатилган алоқа хизматлари сифати анча ўсди. Филиал ходимлари техника фанлари номзоди, доцент Марат Зоҳидов номини ҳамма вақт чуқур эхтиром билан ёдга оладилар.

Ҳаётда шундай инсонлар бўладик, бу дунёни тарк этганларидан кейин ҳам умри давомида бажарган ишлари, вазифасига масъулияти, ўзидан кейин қолдирган шоғирлари билан бошқаларга ибрат бўла олади.



Намуна

Ҳаётининг 32 йилини "БКМ" филиали ривож учун бахшида этган малакали муҳандис, яхши дўст, ёшларнинг талабчан ва сеvimли устози Николай Васильевич Бережной ана шундайлардан бири эди.

Николай Бережнойнинг филиалдаги иш фаолияти 1975 йилда бошланган бўлиб, аввалига электромеханик, сўнг катта электромеханик бўлиб ишлади. Билимга чанқоклиги, ишга масъулиятни чуқур ҳис этган ҳолда ёндашиши унга бўлган ишончининг ортишига сабаб бўлди ва 1978 йилда ўлчов бўйича муҳандис, кейинчалик техник хизмат кўрсатиш, ҳисоблаш Маркази бошлиғи вазифаларида фаолият кўрсатди. Ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда ўқиб, олий маълумот эгаси бўлди.

Николай Васильевич корхонага янги келтирилган техникаларнинг ўрнатилиши ва ишга туширилишида алоҳида жонбозлик кўрсатди. Унинг бевосита иштирокида СКАТ-1000 электрон телеграф станцияси ишга туширилди.

Ўзидаги бор билим ва тажрибани ҳамкасблари, айниқса, ёш мутахассислар билан ўртоқлашишдан чарчамайдиган Н.Бережной "Моҳир алоқачи" унвони соҳибни эди.

2007 йилда бешафқат ўлим Николай Бережнойни корхона жамоаси сафидан олиб кетди. Унинг порлоқ хотираси жамоа эришган ютуқларда яшамоқда.

Иқтидорли мутахассис эди


Филиал жамоаси бешинчи йилдирки, жамоа бўлиб нишонланган байрамларини иқтидорли муҳандис, ташкилотчи инсон, 25тадан ортиқ ихтирочилик таклифларининг муаллифи, корхона ривож учун бор билим ва тажрибасини аямаган Александр Штанчаевнинг иштирокисиз кутиб олишмоқда.

Александр Насруллаевич ҳақиқатан ҳам корхонанинг фидойи ходимларидан эди. У 1970 йилда линия аппарат цехида электромеханикликдан иш бошлаб, мазкур цех бошлиғи ўринбосарлиги вазифасини ҳам масъулият билан бажарди. Тошкентдаги линия аппарат цехини вилоят марказлари билан узлуксиз боғловчи радиоканаллар схемасини ишлаб

чиқди ва у ишлаб чиқаришга жорий этилди. А.Штанчаев ихтиро қилган, танловда голиб бўлишига сабаб бўлган "Тармоқ алоқа хизмати пулти" ҳозир ҳам цехда ишлатилмоқда.

Александр Штанчаев талабчан устоз сифатида тайёрлаган беш нафар шоғирди у бошлаган ишларни давом эттираётган бўлса, икки нафар кизи отаси каби фидокорона меҳнат қилиб, жамоа ҳурмат-этиборига сазовор бўлишпти.

Демак, Александр Штанчаев ҳамон жамоадошлари орасида.



Корхонанинг бугунги ҳолга келишида ўзининг узоқ йиллик самарали меҳнати билан муносиб ҳисса қўшган фахрий алоқачилар кўпчилигини ташкил этади. Артур Германович Войцеховский уларнинг бири. 1960 йили Тошкент электротехника алоқа институтини ўзининг биринчи битирувчиларини ҳаётга йўллади.

Ўша йили тақсимлаш комиссияси Артур Войцеховскийни Фарғонага юборди ва вилоят линия-техника боғламаси бошлиғининг ўринбосари

ри вазифасига ишга тайинланди.

1961 йили пойтахтга қайтиб, "Тошкент телеграф-телефон станцияси"да Тошкент - Москва магистрала бўйича муҳандис вазифасига тайинланди.

1963 йили Германиядан янги ускуналар олиб келинди. Бу ускуналар дастлаб Тошкент — Самарқанд оралиғида ишга туширилди. Шу йили А.Г. Войцеховскийни мар-

каздан узоқ жойлардаги корхоналарга ёрдам берувчи муҳандис этиб тайинланди. 1968 йилдан линия аппарат цехи бошлиғи вазифасида ишлади. 1979 йили бош муҳандис этиб тайинланди. 1986 йили республикада биринчи электрон станцияси ишга туширилди. Шу йили уни алоқа вазирлигига ишга ўтказишди. Вазирликда турли масъул лавозимларда ишлаган Войцехов-

ский 1991 йили яна кадрдон "Тошкент телеграф" телефон станцияси"га бош муҳандис вазифасига қайтди. Артур Германовичнинг фидокорона меҳнати ўзининг муносиб баҳосини топди. 1998 йил "ТошТТС" филиали бош муҳандиси А.Г. Войцеховский "Моҳир алоқачи" фахрий унвони билан мукофотланди.

Корхона алоқачилари Артур Германовични яхши устоз, билимли ва меҳрибон ҳамкасб сифатида ҳурмат қилишади.

Ҳурматга сазовор

Муносиб ҳиссаси бор

Бирор корхонада узоқ йил фидокорона меҳнат қилиб, ҳамкасблари орасида обрў-эътибор орттириш ва иззат-икром билан пенсияга чиқиш ҳар кимга ҳам насиб қилавермайдиган бахт.

Бундай бахтта сазовор бўлиш учун сабот ва касбига чексиз меҳр, яхшиликка интилиш бўлмоғи лозим инсонда. Корхона ривожига ўзининг самарали меҳнати билан муносиб ҳисса

қўшган Умид Сагатовда мана шу хислатларнинг ҳаммаси мужассам.

Умид ака дастлабки иш фаолиятини 1962 йилда шу корхонада алоқа монтажидан бошлаган эди. 1964 йилдан икки йил давомида армия сафларида хизмат қилиш билан ўз йиғитлик бурчини адо этди. Сўнгра яна қадрдон корхонасига қайтди. Уни телеграф цехи электромонтери вазифасига қабул қилишди. Умид ака иқтидори, қизиқи-

ши ва билими сабаб аста-секин хизмат пиллапояларидан юқорилай борди. Смена муҳандиси, Тошкент Марказий телеграфи (корхонанинг олдинги номи) бошлиғининг эксилуатация бўйича, шунингдек, хўжалик ишлари бўйича ўринбосари каби масъул лавозимларда фаолият юритди.

Умид Сагатов ўзидаги ташкилотчилик, билимдонлик, ҳалоллик, дўстлари ва ҳамкасбларига нисбатан ҳурмат билан муносабатда бўлиш каби ажойиб фазилатлари билан обрў топди, аҳолига телеграф хизмати кўрсатиш сифатининг ортишига ўз улушини қўшди.

— Умид ака корхонамиз ривож учун елиб-югурадиган инсонлардан бири, — дейди Фахрийлар кенгаши раиси Бахтиёр Азимов. — Шунинг учун ҳам филнамиз раҳбарияти у кишини пенсияга дарров қўйиб юбормади. Унга Фахрийлар кенгашини бошқариш топширилди. Умид Сагатов йиллар давомида бу вазифани ҳам сидқидилдан адо этиб, сўнгра иззат-икром билан дам олишга кузатилди.

Умид Сагатов ҳозир ҳам корхонага тез-тез келиб, ҳамкасблари, шогирдларига ўзининг қимматли маслаҳатлари билан ёрдам бериб туради.

ЭЗГУ АЪНАНА

Эъзоз

"Бош Коммутация Маркази" филиалида 42 йил алоқа соҳаси ривож учун бор куч-қайратини сарфлаган ажойиб инсон Султонмурод Шукуров номини корхона жамоаси ўзгача ҳурмат, чуқур эҳтиром билан тилга олади. Бунинг боиси бор, албатта.

аналогли тизимлар ўрнига халқаро ва шаҳарлараро алоқа хизматларини кўрсатувчи замонавий рақамли ускуналарни ўргатиб, ишга туширишда фаол қатнашди. Султонмурод ака энг долзарб алоқа турларидан ҳисобланувчи видеоконференция йўналишида республикамиздаги юқори ма-

Қадим-қадимдан халқимиз билимли ва иқтидорлиларга чуқур ҳурмат билан қараганлар. Сабаби бундай инсон қаерда, қайси вазифада ишлаганини, ўзи меҳнат қилаётган корхонага ҳам, жамиятга ҳам фойда келтиради. Ўзининг чуқур билими, доимий изланишлари ва қўлга киритган ютуқлари билан "БКМ" филиали ривожига салмоқли ҳисса қўшганлардан яна бири Саида Ибрагимовадир.

Болалигидан билимга чанқок Саида, киз бола бўлишига қарамай, техникага қизиқди. Ана шу қизиқиш уни мактабни битирганидан сўнг профессор Бонч-Бруевич номидаги Ленинград электротехника алоқа институтига етаклади. Ўзбекистон фарзандидаги заковат, иқтидор барчани лол қилган эди ўшанда. Институтни муваффақиятли тамомлаган ёш мутахассис 1959 йилда Тошкент халқаро телефон станцияси ("БКМ")га ишга келди ва бутун меҳнат фаолиятини шу корхона ривож учун бахшида этди.

Ишни дастлаб линия аппарат цехида смена муҳандислигидан бошлаган Саида Салимовна кейинчалик статив ҳамда ишлаб чиқариш лабораторияси муҳандиси, меҳнатни ташкил этиш ва нормаллаштириш гуруҳи ҳамда эксилуатация

бўлими, автоматика цехи бошлиғи каби вазифаларни бажарди.

1977 йилдан бошлаб янада масъул вазифа - Тошкент худудий маркази (ТЦКУ)ни бошқариш ва назоратини олиб бориш топширилди. Ўша пайтда ушбу марказ орқали Ўзбекистон, Тожикистон ва Туркменистондаги халқаро телефон станциялари назорати олиб борилар эди.

— Кейинчалик оператив бошқарув хизмати, автоматика цехи бошлиғи ўринбосари, ишлаб чиқариш техник-эксилуатация бўлими муҳандиси бўлиб ишладим, — дейди Саида опа. — Бизнинг соҳа шундайки, ҳар бир ходимдан ўта синчковлик, зийраклик талаб этилади, яъни адашиш мумкин эмас. Ишимиз оғир бўлгани билан, шу соҳага қизиққанлигим сабаб, қийинчиликлари билинмаган. Аксинча, юзлаб одамларнинг ҳождати чиқаётганини ўйлаб хурсанд бўлиб кетардим. Соҳада ишлаб кам бўлмадим. Қатор орден ва медалларга муносиб кўрилганимдан хурсандман. Мен учун энг қимматлиси жамоамиз меҳри.

Ҳа, Саида Ибрагимова шундай аҳил жамоа аъзоси эканлигидан, раҳбариятнинг фахрийларга эътибори ва эъзозидан бахтиёр ҳис этади ўзини.

Мураббий

Султонмурод ака меҳнат фаолиятини 1969 йилининг августда Тошкент шаҳарлараро телефон станциясида электромеханик вазифасидан бошлаган. Сўнгра катта электромеханик, навбатчи муҳандис, узатгич аппаратлари цехи бошлиғи ўринбосари, 2000 йилдан бошлаб узатгич аппаратлар цехи бошлиғи лавозимида фаолият юритди.

Султонмурод ака республика ичида ва Транс-Осиё-Европа алоқа магистралда халқаро йўналишларини созлаш ва ишга туширишда фаол иштирок этди. Қисқа муддат ичида

лакали мутахассислардан биридир. У 1998 йили Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлигининг "Ўз касбининг устаси" кўкрак нишони, 2000 йил эса "Моҳир алоқачи" унвони билан тақдирланди.

Султонмурод Шукуров ёшларнинг сеvimли устози ҳамдир. Зуфар Курбонов, Тамара Шенина, Шухрат Тўлағанов, Оксана Шестокрылова, Абдухамид Юсуповлар унинг шогирдларидир.

Султонмурод ака пенсияда бўлишига қарамай, ҳамон ёш мутахассисларга қўмакка тайёр. Улар қамолидан қалби ғурурга тўлади.

Филиал фахрийлар кенгашини бошқариш Умид Сагатовдан сўнг умрининг 45 йилини ушбу корхона ривож учун бахшида этган ажойиб мутахассис, "Моҳир алоқачи" унвони соҳиб, алоқачилар сулоласи етакчиси Бахтиёр ака Азимовга топширилди. Бу бежизга эмас.

Бахтиёр Азимовда касбига эъти-

код қучли, ташкилотчилик қобилияти юқори. Алоқа техникуминини битириб, 1966 йилдан электромеханик сифатида иш бошлаган Бахтиёр ака турли масъул лавозимларда меҳнат қилди, корхонада муҳим объект ҳисоб-

Моҳир алоқачи

ланувчи 3-цехни бошқара туриб, олий ўқув юртида ҳам (кечки) ўқиди, қатор шогирдларга устозлик қилди.

— Корхонамиз марказий офис бўлиб, виллоятларда фаолият юритувчи алоқачилар бизда малака оши-

рардилар, — дейди Бахтиёр Азимов. — Уларга касб сирларини мукамал ўргатишга ҳаракат қилардик. Шунингдек, уларга иш жойларидаги асбоб-ускуналарни таъмирлашга, янги бинога жойлаштиришга ҳам ёрдам берардик.

Корхонада узоқ йиллар ишлаб, пенсияга чиққан Бахтиёр Азимов ҳамон филиалда.

Фахрийлар кенгаши

"Бош Коммутация Маркази" филиалида фахрийларни ижтимоий қўллаб-қувватлашга қаратилган анъанавий чора-тадбирлар давом эттирилиши билан биргаликда янада тўлдирилиб, қучайтириб борилмоқда.

Фахрийлар кенгашига аъзо 405 нафар фахрийлар ҳар бирининг туғилган кунига моддий ёрдам кўрсатилади ва унинг номига табрик телеграммаси жўнатилади. Вафот этган фахрийларнинг оила аъзоларига энг кам иш ҳақининг уч баробари миқдорда ёрдам кўрсатилади. Жорий йилда 17 нафар кам таъминланган ёлғиз фахрийларнинг уй телефонига 16800 сўмдан пул ўтказилди.

Филиал ходимлари ўз фахрийларини моддий

жихатдан қўллаб-қувватлаш мақсадида ҳар ойда ойлик маошларидан бир қисmini Фахрийлар фонди ҳисобига ўтказишмоқда. Ушбу фондга келиб тушган маблағлар кам таъминланган, ижтимоий ҳимояга муҳтож, ёлғиз, ногирон қарияларга сарфланипти. Вафот этган пенсионерларнинг оила аъзоларига Фахрийлар фонди ҳисобидан қўшимча моддий ёрдам берилаяпти. Жумладан, ўтган йилнинг 3 декабр — Халқаро ногиронлар куни ва 8 декабр — Конституция куни муносабати билан 12 нафар ногирон ва 25 нафар ёлғиз пенсионернинг ҳар бирига 40100 сўмлик озик-овқат маҳсулотли берилди. Фахрийлар Тошкент, Самарқанд, Бухоро, Навоий шаҳарларининг диққатга сазовор жойларида саёхатда бўдилар. Бу йил Наврўз байрами арафасида 20 нафар

фахрий Рус драма театрида, 20 фахрий Ўзбек миллий драма театрида маданий ҳордик чикардилар. Булардан ташқари, йил охиригача яна бир неча тадбир режалаштириб қўйилди.

Кўп йиллик анъана бўйича бу йил ҳам 9 май — Хотира ва Қадрлаш куни, шунингдек, алоқачиларнинг касб байрами — 7 майга бағишланиб фахрийлар учун байрам дастурхони ёзилди. Талдбирига санъаткорлар, ёзувчилар таклиф қилиниб, шогирд алоқачилар ўз устозларига иззат-икром кўрсатадилар.

Фахрийлар кенгашида Таклиф ва мулоҳазалар дафтари мавжуд бўлиб ундан филиал раҳбарлари номига илк сўзлар ва ташаккурлар, фикр-мулоҳазалар ўрин олган. Филиалда умри давомида ҳалол меҳнат қилиб, нафақага чиққан фахрий отахону онахонларнинг кўнглиларини кўтариш, улардан хабар олиш, уларга янада кўпроқ имтиёзлар бериш борасида изланишлар олиб бориляпти.

Принята государственная программа

ПО ТЕХНИЧЕСКОМУ И ТЕХНОЛОГИЧЕСКОМУ ПЕРЕХОДУ НА ЦИФРОВОЕ ТЕЛЕВЕЩАНИЕ В РЕСПУБЛИКЕ УЗБЕКИСТАН

В соответствии с постановлением Президента Республики Узбекистан от 20 августа 2010 года "О создании Межведомственной рабочей группы по вопросам перехода на цифровое телерадиовещание в Республике Узбекистан", а также в целях обеспечения повышения эффективности использования радиочастотного спектра и планомерного перехода на цифровой формат телевидения Президентом Республики Узбекистан 17 апреля 2012 года принято Постановление "О Государственной программе по техническому и технологическому переходу на цифровое телевидение в Республике Узбекистан".

Данным Постановлением утверждена Государственная программа по техническому и технологическому переходу на цифровое телевидение в Республике Узбекистан, которая предусматривает:

- дальнейшее совершенствование нормативно-правовой базы в области внедрения цифрового телевидения с учетом технологического развития;
 - переход на цифровое телевидение в республике в два этапа (2012-2015 годы — I этап, 2016-2017 годы — II этап), с полным обеспечением доступа населения страны к услугам цифрового телевидения до конца 2017 года;
 - дальнейшее развитие и модернизацию наземных сетей цифрового телевизионного вещания с постепенной заменой систем аналогового телевидения на цифровые, внедрение новых видов услуг, в том числе интерактивного и мобильного телевидения;
 - развитие отечественного производства и обеспечение населения современными устройствами приема сигналов цифрового телевидения и др.
- Реализация данного Постановления послужит дальнейшему внедрению и развитию сети наземного цифрового вещания по всей республике.

aci.uz

Турфирма "INTUR-OSIYO"

- ✦ Малайзия, Таиланд, Вьетнам, о. Бали, Китай, Чехия;
- ✦ Страны СНГ, МОСКВА, САНКТ-ПЕТЕРБУРГ, КИЕВ и др.;
- ✦ Турция, Египет, ОАЭ, Индия (Гоа), Мальдивы;
- ✦ ОТДЫХ В ГОРАХ (корпоративно и индивидуально);
- ✦ Экскурсии по Ташкенту (индивидуально и в группе);
- ✦ Поездки в Самарканд, Бухару, Хиву;
- ✦ Бронирование авиабилетов и отелей по всему миру.

Ташкент, ул. Буюк Ипак йули, 115,
тел.: / факс (99871) 268-14-83, тел.: 268-74-99,
268-72-23, (+99893) 387-79-49.

Услуги лицензированы Т-ВС-1948.

Состоялось очередное заседание Государственной комиссии по Радиочастотам Республики Узбекистан

Основными вопросами заседания было обсуждение итогов работы Всемирной конференции радиосвязи 2012 года и Ассамблеи радиосвязи Международного союза электросвязи (МСЭ), в работе которых принимала участие делегация республики.

Участники заседания рассмотрели результаты Ассамблеи радиосвязи (16-20 января 2012г.), которая определяет программу, методы работы, структуру Исследовательских комиссий и других структур Сектора радиосвязи МСЭ, избирает их руководящий состав на следующий исследовательский период, готовит отчет для Всемирной конференции радиосвязи (ВКР) по результатам последнего исследовательского периода.

В качестве вклада на рассмотрение Ассамблеи радиосвязи от стран Регионального содружества в области связи было внесено пять общих предложений, в формировании которых участвовал и Узбекистан. Предложения касались оптимизации работы Исследовательских комиссий и других структур Сектора радиосвязи, выполнения решений Встреч на высшем уровне по информационному обществу, использования технологий радиосвязи для наблюдения за состоянием окружающей среды. По всем пяти предложениям Ассамблей были приняты соответствующие

документы.

ГКРЧ РУз также рассмотрела и обсудила итоги работы Всемирной конференции радиосвязи 2012г. (ВКР-12, проходила с 23 января по 17 февраля 2012 года).

На ВКР-12 рассматривались технические, регламентарные и эксплуатационные аспекты регулирования радиочастотного спектра с целью согласования администрациями стран вопросов, связанных с распределением частот и совместным использованием частот для обеспечения высокого качества услуг радиосвязи, в том числе подвижной (мобильной) связи, радиовещания (телевизионного и звукового), спутниковой связи, космических исследований, радионавигации и радиолокации для воздушного и морского транспорта, а также для научной деятельности, связанной с окружающей средой, метеорологией и климатологией, предсказанием бедствий, смягчением их последствий и оказанием помощи.

По результатам работы Всемирной конференции радиосвязи 2012г.:

- на основе многосторонних обсуждений и консенсуса принята резолюция по 26 пунктам повестки дня об условиях использования полос частот радиослужбами на международном уровне,

- усовершенствовала процедурные вопросы рассмотрения заявок стран на регистрацию частот в МСЭ, в том числе спутни-

ковых сетей;

- осуществила разработку 38 и пересмотр 73 Резолюций Сектора радиосвязи МСЭ;

- внесла изменения и дополнения в Регламент радиосвязи МСЭ по рассмотренным вопросам;
- определила вопросы для исследований на следующий исследовательский период;

- подготовила и утвердила повестку дня ВКР-15 и ВКР-18.

Основными задачами делегации республики на конференции было обеспечение продвижения позиции Республики Узбекистан в ходе ВКР-12, защита существующих служб радиосвязи Узбекистана (радиовещательной, воздушной радионавигационной, подвижной и других) при введении дополнительных распределений частот и изменений в Регламент радиосвязи МСЭ, а также защита будущих применений служб радиосвязи республики, внесение предложений по улучшению текстов Регламента радиосвязи для избежания трудностей при его дальнейшем применении.

По результатам ВКР-12 все предложения Республики Узбекистан приняты и учтены в Заключительных актах ВКР-12.

С целью выполнения решений Всемирной конференции радиосвязи и Ассамблеи радиосвязи 2012г. подготовки к ВКР-15 разработан план мероприятий, который был рассмотрен и одобрен участниками заседания.

Дни современных японских фильмов в Ташкенте

Мероприятие, проводимое в связи с 20-летием установления дипломатических отношений между Республикой Узбекистан и Японией, организовано Национальным агентством "Узбеккино", Фондом "Форум культуры и искусства Узбекистана", Японским фондом и посольством этого государства в нашей стране.

Зрителю были представлены фильмы "Банко — история обо мне, моей семье и моей собаке", "Отель Гибискус", "Самое короткое письмо матери", "Школа-2" и "Дора Хэйта".

Меня затронула комедия "Отель Гибискус" (режиссер Юдзи Накаэ). В нём девятилетняя Мизэко с родителями, бабушкой, сводными братом и сестрой живет в маленькой гостинице, где для гостей отведена всего одна комната. По пути из школы, она спасает мальчика по имени Нотозима, который становится единственным постояльцем "Гибискуса". Потом её мать с сестрой уезжают в Америку на встречу с отцом сестры, а отец отправляется на уборку ананасов. На Мизэко



сразу сваливается столько забот! Постирать, приготовить еду, доставить отцу пришедшее ему письмо. Летние каникулы полны приключений — встреча с таинственным стариком, называющим себя Старый Кидзимун, знакомство с девочкой как две капли воды похожей на нее. И все же Мизэко справляется со всеми хлопотами к приезду с Америки матери и сестры.

Вообще, очень люблю подобный жанр японских фильмов: небольшой сборник новелл, рассказанных от лица одного и того же героя. В этом случае — девятилетней девочки Мизэко.

Здесь все: быт и нравы глухих провинций Японии, призраки и духи, живущие по соседству с

людьми, а главное — простота и спокойствие, с которым все это принимает для себя Мизэко, которая одинаково серьезно подходит к вопросу стирки, и к поискам духа Кидзимуна.

Не смотря на то, что фильм снят в 2002 году, есть в нем что-то навевающее и трогательное, отсылающее к 90м. Или — и того раньше, смотря как воспринимать окружение главных персонажей.

Рекомендую к просмотру всем, кому хоть немного интересна восточная культура.

Зарина ШАРАФУДИНОВА,
студентка 3-курса
факультета Телевизионные
технологии ТУИТ

Хабар + tv

ДУШАНБА — 30 АПРЕЛ

ОЗБОДИ

5.55 Қўрағуллар дастури
6.00 Ассалом, Ўзбекистон!
7.00 Ўзбекистон табиати
7.20 Қўнғиз қўшиқ истайки
7.30 Ғўй қоншошлари. Т/с
8.00 Азборот
8.40 - 9.45 Милланинг дастури
9.45 Моҳир қўшлар
10.00 "Мени бир равион"
10.05 "Энг сунъий" - Этнокад метаматематик В8'ида
10.25 Саломатлик сирлари
10.40 Рангин дунё
11.00 Азборот
11.10 "Шаҳар четидан шифохона". Т/с
11.20 Ассалом, Ўзбекистон!
12.50 "Қўнғиз қўшиқ истайки"
13.00 Ватанларим
13.40 Тарих қўшлари
14.00 Азборот
14.18 Миллий кино: "Чашма"
15.28 "Иқлим"
15.30 Олам ва одам" дастури: "Қўнғиз шайх"
16.10 "Эртақлар - ашхоника етаслар"
16.40 "Икки даре оралигида"
17.00 Азборот
17.10 "Қирол Сезанн". Т/с
17.20 "Иқлим"
17.55 "Ифтигор"
18.00 "Қўнғиз қўшиқ истайки"
18.10 "Ватан маңиллари"
18.20 "Юртин - даре"
18.40 Миллий сериал: "Лола"
19.20 ТВ - шифохона
19.25 20.00, 20.55 Эълонлар
19.28 "Оттин мерос"
20.05 "Оттин мерос"
20.18 Миллий сериал: "Туташ тақдирлар"
21.00 Азборот
21.40 "Хатот"
22.00 "Қалбимга қўлоқ туғ". Т/с
22.40 "Иқлим"
22.45 "Шаҳар четидан шифохона". Т/с
23.35 Ўзбекистон табиати
23.55 - 00.00 "Оғун"
00.00 Қўрағуллар дастури
00.05 Моҳир қўшлар
00.15 "Юртин бўйлаб" дастури: "Оҳангар сеҳри"
00.35 "Мен ёшланам"
00.50 "Қўнғиз қўшиқ истайки"
1.00 Азборот /рус/
1.30 - 2.35 Милланинг дастури
2.35 Рангин дунё
2.55 "Оттин мерос"
3.10 Ассалом, Ўзбекистон!
4.00 Азборот
4.40 Миллий сериал: "Туташ тақдирлар"
5.15 Саломатлик сирлари
5.30 "Икки даре оралигида"
5.50 - 5.55 "Оғун"



6.00 "Ватан меҳри"
6.10 "Унутмас оҳангар"
7.00 Мултинларнома
8.00 "Ёштак наволари"
8.20 Миллий сериал: "Ҳаёт сабоқлари"
9.00 "Сеҳри қўшлар"
9.20 "Кетма". Т/с
10.00 "Давр ҳафта иенида"
10.30 Миллий кино: "Радио"
11.30 "Музейлар юри"
11.50 "Мақдониет биллари"
12.10 "Нозак лаҳзалар". Т/с
12.50 "UzEX"
13.00 "Давр"
13.10 "Ёштак наволари"
13.30 "Қўмондон". Т/с
14.30 "Сирди ўрмонча"
15.00 "Мултинларнома"
15.50 "Хотир ва қар"
16.00 "Давр"
16.10 Миллий сериал: "Ордулар фасли"
16.50 "Қарақалпоқ басқурлари"
17.10 "Умарие-2012"
17.20 "Ниход". Б/ф. 1-қисм.
18.50 "UzEX"

19.00 "Давр"
19.30 "Кетма". Т/с
20.20 "Нухтин налар"
20.50 "Нозак лаҳзалар". Т/с
21.40 "Ёштак наволари"
22.00 "Давр"
22.30 "Қўмондон". Т/с
23.30 "Қўламоқ"
00.00 "Ватан меҳри"
00.10 "Ёштак наволари"
00.30 "Тасар фото". Б/ф
2.00 "Давр"
2.30 Миллий сериал: "Ҳаёт сабоқлари"
3.00 Абдонна ва ҳақиқат"
4.00 "Жонин муҳаббат"
5.00-6.00 "Ҳаёт".


SPORT

6.00 Қўрағуллар тартиби
6.05 "Бенки". Б/ф
7.30 "Салом, Тошкент"
8.30 Тошкент тароналари
8.45 "Милли савдор"
9.05 "Уларим"
9.10 "Интервью"
9.20 Интеллектуал аудион"
9.30 "Пойтахт"
9.40 "Бизнес - пойтахт"
9.45 "Иборат"
10.15 Миллий эстрада симфоник оркестрининг концерти
10.30 "Пойтахт" /рус/
10.40 "Қўнғиз доирасида"
10.55 Тошкентнинг ном маскалари"
11.10 "Велосипед". Б/ф
13.00 "Салом, Тошкент"
14.00 "Дуна", теледастури
15.00 "Пойтахт"
15.15 "Икки тақдир". Т/с. 185-қисм.
15.35 "Пойтахт йўлларид"
15.50 "Эко-пойтахт"
16.00 Тошкент тароналари
16.15 "Танов нустаси"
16.45 "Дамбо". М/ф. 1-қисм.
17.20 "Қасбим-Ҳазорим"
17.40 "Менин шайхим"
18.00 "Пойтахт"
18.25 "Уларим"
18.50 "Этнокад"
18.50 Миллий сериал: "Оламлар орасида". 19-қисм. /Премьера/
19.20 "Телекурор-маркет"
19.30 Тошкент тароналари
19.45 Интеллектуал аудион"
19.55 "Бизнес - пойтахт"
20.00 "Пойтахт"
20.25 "Жумон". Т/с. 61-қисм.
21.05 Тошкент тароналари
21.20 "Интервью"
21.30 "Пойтахт" /рус/
21.50 "Телекурор-маркет"
22.00 "Эко-пойтахт" /рус/
22.10 "Кино SMS со шедими"
22.15 "Санкту". Х/ф
00.00 Қўрағуллар тартиби
00.05 "Спассель". Х/ф
2.20 "Необузданна Африка". Д/ф. 1-2 қисм.
3.10 "Велосипед". Б/ф
5.00-6.00 "Салом, Тошкент!"

SPORT

6.00 "Ҳайртин тонг"
6.10 "Саломат бринги"
6.30 "Жасур боллар"
7.00 "Футбол тарихи"
7.25 Боллар майдончаси: Тонги тинчликта.
"Спортландия"
Мультифилми
8.00 ХАБАРЛАР
8.35 "Саломат бринги"
9.00 Футбол. Испания чемпионати.
10.50 "Музландия, спорт!"
11.25 Футбол. УЕФА кубоки.
12.35 Рақслар, титкоқлар, рейтинглар.

13.00 ХАБАРЛАР
13.15 Боллар майдончаси: "Спортландия"
Мультифилми
13.45 "Ринг қироллари"
14.45 Тенис. АТР, WTA турнири.
16.15 ИнтерФутбол.
18.00 Боллар майдончаси: "Спортландия"
Мультифилми
18.30 ХАБАРЛАР
18.50 Саломатлик хазинаси.
18.55 "Баркамол аллод"
19.20 Спорт. Осие чемпионати.
20.20 "Спорт - маркет"
20.40 Футбол шарми.
21.30 ХАБАРЛАР
21.50 Саломатлик хазинаси.
21.55 ИнтерФутбол.
23.35 "Баркамол аллод"
23.55 Футбол Англия чемпионати.
"Манчестер Сити" - "Манчестер Юнайтед". Турнир-турни олиб кўрсатилди.
2.00 ХАБАРЛАР
2.25 Автопорт.
3.10 Тенис. АТР, WTA турнири.
4.40 - 5.50 Спорт. Осие чемпионати.



07.00 09.00 10.30 13.50 15.30 19.50 20.35
00.10 "TVM" наволари
08.10 Т/с "Жемужина Дворца"
09.40 Т/с "Покорения Кейт"
11.30 "Индияна Дюкс. Корольство Христальнои мерча". Х/ф
14.10 Т/с "Жемужина Дворца"
18.10 "Премьер"
18.40 Т/с "Жемужина Дворца"
20.00 "Тон-10"
21.10 Т/с "Менгилат"
22.00 "МИССИЯ НЕВЫПОЛНИМА"
Х/ф
02.00 Фильми, которые должны увидеть. "Ностальгия № 246 по версии TVM"
04.00-05.00 "Другая музыка": Концерт Ai Di Meola

БИРИНЧИ

05.00, 09.00, 11.00 Новости
05.10 "Лидия Смирнова. Женщина на все времена"
06.05 Х/ф "Церк"
07.35 "Сложу Отчину"
08.05 "Смешарки. ГИП-код"
08.20 "Заровне"
09.15 "Непутевые заметки"
09.30, 03.45 "Пако все дома"
10.25 Физика
11.15 Х/ф "Самогонщик"
11.30 Х/ф "Суета сует"
12.55 Филити Киркоров. "Другой"
13.25 Филити Киркоров. "Я себе придумал эту жизнь"
16.20 Х/ф "Мой капитан"
20.00 "Время"
20.20 "Жесткие игры". Новый сезон
22.00 Х/ф "Белые розы"
23.30 Х/ф "Лети понедельника"
01.05 Х/ф "Вечерний лабиринт"
02.15 Комедия "Вас выхватывает Таймър"

РОССИЯ 1

05.50 Х/ф "О белом гуаре: замолвите слово"
09.15 Х/ф "По семейным обстоятельствам"
11.55 Х/ф "Невероятные приключения итальянцев в России"
14.00 20.00 Вести.
14.20 "Цветы и песни весны"
16.30 "Смелость разрешается"
18.20 Х/ф "Кавказская пленница, или

Новые приложения Шурна".
20.35 Х/ф "Найденыш-3".
00.15 Х/ф "Салдыр"
02.10 Х/ф "Артиста из Грибово".

НТВ

05.10 Боевик "Шпенские игры"
07.00 09.00 12.00 18.00 Сетана.
17.55 "Дикий мир"
07.45 Их нравы.
08.25 Едем дома.
09.20 "Первая передача"
09.55 "Двадцать по-русски"
11.00 "Лягушка отлетела"
12.20 Слон игры.
13.20 Огняи ставка.
14.10 Премьера. "Дальнобойщики. Дождь лет ступи"
18.25 Премьера. "Дальнобойщики. Дождь лет ступи"
21.15 Т/с "Мент в законе"
23.15 Х/ф "Шпилюки-2"
01.15 "Час Волкова"
02.15 "Скоро помощь"
02.40 - 04.55 Т/с "Знаки судьбы".

РОССИЯ 2

05.00 "Все включено"
06.00 "В мире животных"
06.30 "Моя рыбака"
07.00 09.00 Вести-Спорт
07.10 "Все включено"
08.10 "Явь. Перегруза"
08.40 11.25 02.05 ВЕСТИ.ИЛ
09.10 Х/ф "Битва драконов"
10.55 "Волосы арсени"
11.15 "Местные новости. Вести-Спорт"
12.45 Дюдо. Чемпионат Европы.
14.05 "Футбол.ИЛ"
15.10 "Явь. Перегруза"
15.40 Х/ф "Одновременно друзей Оушена"
17.55 Х/ф "РЭД"
20.00 Профбокс. В. Гусев (Россия) - П.Игонкин (Тайланд)
Д.Михаленко (Россия) - Ш.Алиаюнов (Ўзбекистон). Бой за титулы чемпион Европы по версии WBO.
21.45 "Неделя спорта"
22.20 Т/с - комментатор"
22.55 Футбол. Чемпионат Англии. "Манчестер Сити" - "Манчестер Юнайтед".
00.55 "Явь. Перегруза"
01.25 "Рейтинг Тимофея Баженова. Законы природы"

СТС

06.00 07.20 Мультифильми.
08.30 10.45 12.00 Мультисерии.
09.00 "Самый улюк"
11.00 "Галилео"
14.20 "Спирит - душа фриер".
Анимационный фильм.
16.00 16.30 "Ъ садор"
17.15 Кино. "Назад в будущее".
19.30 "Лесная борна". Анимационный фильм.
21.00 Кино. "Назад в будущее-2".
23.00 Шоу "Уральские пельмени"
00.30 Кино. "Идентификация Борна".

ТВ3

06.00 Мультифильми СМФ
06.55 Х/ф "Пока бьют часы"
08.15 Х/ф "Десятое королевство".
10.00 Х/ф "Действие Бояц: Казиню Ровль"
13.00 Х/ф "Действие Бояц: Клант миссериера"
15.00 Программа "Узвин мени"
17.00 Д/ф "Параллельный мир"
18.00 Т/с "Пираты Карибского моря - Черная борна"
19.00 Х/ф "Действие Бояц: Умри, но не сеичай"
21.50 Х/ф "Действие Бояц: Идиело мира мало"
23.45 Т/с "Багши. Новые люди"

О‘ЎЗБЕКИСТОН

5.55 Кўрсатувлар дастури.
6.00 "Ассалом, Ўзбекистон"
7.00 "Ўзбекистон табиати".
7.20 "Кўнглик қўшиқ истаиди".
7.30 "Ўн юмушлар", Т/с.
8.00 "Азборот".
8.40 - 9.45 "Миллават" дастури.
9.45 "Қорақич".
10.00 "Навойни англаш".
10.15 "ТВ - шифокор".
10.20 "Қалбимга қулоқ туг", Т/с.
11.10 "Азборот".
11.10 "Шаҳар четидоғи шифохона".
Т/с.
12.00 "Ассалом, Ўзбекистон!"
12.50 "Кўнглик қўшиқ истаиди".
13.00 "Азборот" /инглиз/.
13.10 Миллий сериал: "Лола".
13.50 "Хива. Жума масжиди".
14.00 "Азборот".
14.15 "Дунё мангаллари".
14.35 Миллий сериал: "Туташ тақдирлар".
15.10 "Юзи қаролар".
16.05 "Текзор хабарлар".

16.15 "Эрталар - яхшиликка эгалар".
16.40 "Икки дарё оралиғида".
17.00 "Азборот".
17.10 "Кирол Сажонг", Т/с.
17.50 "Кун мавзуси".
18.00 "Кўнглик қўшиқ истаиди".
18.10 "Икким".
18.15 "Қамолот остонаси".
18.35 "Ифтихор".
18.40 Миллий сериал: "Лола".
19.20 "Сизнинг адвокатингиз".
19.25, 20.00, 20.55 Эълонлар.
19.30 "Азборот" /рус/.

20.05 "Олтин мерос".
20.15 Миллий сериал: "Туташ тақдирлар".
21.00 "Азборот".
21.40 "Хаттоғ".
22.00 "Қалбимга қулоқ туг", Т/с.
22.45 "Икким".
22.50 "Шаҳар четидоғи шифохона".
Т/с.
23.40 "Ўзбекистон табиати".
00.00 - 00.05 "Очун".
00.05 Кўрсатувлар дастури.
00.10 "Қамолот остонаси".
00.25 "Навойни англаш".
00.40 "Хива. Жума масжиди".
00.50 "Кўнглик қўшиқ истаиди".
1.00 "Азборот" /рус/.

1.30 - 2.35 "Миллават" дастури.
2.35 "Икким".
2.40 "Қорақич".
3.00 "Олтин мерос".
3.10 "Ассалом, Ўзбекистон!"
4.00 "Азборот".

4.40 Миллий сериал: "Туташ тақдирлар".
5.15 "Кун мавзуси".
5.30 "Икки дарё оралиғида".
5.50 - 5.55 "Очун".



6.00 "Ватан меҳри".
6.10 "Ўнгутимас оҳанглар".
7.00 "Мультипанорама".
8.00 "Ешик наволари".
8.20 Миллий сериал: "Ҳаёт сабоқлари".
9.00 "Қамолот-нифо".
9.20 "Кетма". Т/с.
10.00 "Давр".
10.10 "Ўнга негр баласи". Б/ф. 1-серия.
11.20 "Қорақалпоқ рассомлари".
11.50 "Ўзбегим".
12.10 "Нозик даҳсалар", Т/с.
12.50 "Хотира ва қадр".
13.00 "Давр".
13.10 "Ешик наволари".
13.30 "Қўмондон", Т/с.
14.30 "Кўнглик афишбо".
15.00 "Мультипанорама".
15.50 "UzEX".

16.00 "Давр".
16.10 Миллий сериал: "Орзулар фотеси".
16.50 "Қишлоқ тараққийи".
17.10 "Спортимиз қозулари".
17.20 "Нихоҳ". Б/ф. 2-қисм.
18.00 "UzEX".
19.00 "Давр".
19.30 "Кетма". Т/с.
20.20 "Кинопанорама".
21.00 "Нозик даҳсалар", Т/с.
- 11.15 Х/ф "Небесный тихоход"
- 12.40 "Самый народный артист Николай Крючков"
- 13.30 Сериал "Жуков"
- 17.00 Вечерние новости
- 17.15 "Большая разница"
- 18.15 "Минута славы. Мечты сбываются!"
- 20.00 "Время"
- 20.30 Х/ф "В степле jazz"
- 22.05 Сериал "Связь"
- 22.55 Х/ф "Финка"
- 00.35 Х/ф "Сингапурский клан"
- 02.30 Х/ф "Трактористы"
- 03.55 "Юрий Сенкевич. Вечный странник"

РОССИЯ 1

- 05:45 Х/ф "Крепкий орешек".
- 07:20 "Всё Россия".
- 07:30 "Сам себе режиссер".
- 08:20 "Смехопанорама".
- 08:50 "Утренняя почта".
- 09:30 "Сто к одному". Телеигра.
- 10:20 Местное время. Вести-Москва. Неделя в городе.
- 11:00 Вести.
- 11:10 Т/с "1942".
- 14:00 Вести.
- 14:20 Местное время. Вести-Москва.
- 14:30 Т/с "1942".
- 15:15 Шоу "Десять миллионов"
- 16:20 "Смешелье разрешается".
- 17:30 "Фактор А".
- 19:20 "Рассмеши коммю".
- 20:00 Вести.
- 20:35 Х/ф "Цветы от Лизы".
- 00:25 Х/ф "Отец".
- 02:15 Х/ф "Был месяц май".

НТВ

- 04:45 "Приключения пиратов в стране ошейи"
- 06:25 Спорт.
- 07:00 Телеигра 12:00 18:00 Сегодня.
- 07:15 Лотерея "Русское лото".
- 07:45 "Академия красоты".
- 08:20 "Готовым".
- 09:20 Главная дорога.
- 09:25 Кулинарный поединок.
- 11:00 Квартирный вопрос.
- 12:20 Т/с "Последнее путешествие Синбада".
- 18:25 Нистосердечное признание.
- 19:15 Тайный шоу-бизнес".
- 20:20 Т/с "Мент в законе".
- 22:10 "Шансон года-2012".
- 01:15 "Час Волкова".

РОССИЯ 2

- 05:00 "Моя планета"
- 06:05 "Моя рыбалка"
- 06:30 12:00 01:45 Вести-Спорт
- 06:45 Хоккей. ЧМ. Канада - США.
- 09:00 Вести-Спорт
- 09:15 "Страна спортивная"
- 09:40 Хоккей. ЧМ. Россия - Латвия.
- 12:10 АвтоВести
- 12:25 "Большой тест-драйв"
- 13:20 Х/ф "Зароженное оружие"
- 14:50 "Планета футбол"
- 15:25 Футбол. ПЛ. "Зенит" (С-Петербург) - "Спартак" (Москва).
- 17:55 Хоккей. ЧМ. Россия - Норвегия.
- 20:35 "Футбол".
- 21:10 Хоккей. ЧМ. Швейцария - Белоруссия.
- 23:35 Хоккей. ЧМ. Германия - Латвия.

О С Т С

- 06:00 Кино. "Ханна Монтана в кино".
- 07:55 "Последний лесток". Мультифильм.
- 08:30 09:30 Мультисерии.
- 09:00 "Съезьте это немедленно!"
- 11:00 "Это мой ребенок!"
- 12:00 "Снимите это немедленно!"
- 13:00 "Воронины".
- 15:00 "Молодежьна".
- 16:00 16:30 "6 кадров".
- 17:45 Кино. "Васаби".
- 19:30 "Илья Муромец и Соловей-Рыбодийн". Анимационный фильм.
- 21:00 Кино. "Поменяйся местами".
- 23:15 Шоу "Уральских пельменей".
- 00:45 Кино. "Пальчана".
- 03:25 Кино. "Любовь и вымогательство".

ТВ 3

- 05:55 Мультифильм СМФ
- 08:00 Х/ф "Ученик лекаря".
- 09:15 Х/ф "Десятое королевство".
- 11:00 Программа "Удния меня"
- 13:00 Х/ф "Битва Титанов".
- 15:15 Х/ф "Ведьма".
- 17:00 Х/ф "Женщина-кошка".
- 19:00 Х/ф "Солдат".
- 21:00 Х/ф "Универсальный Солдат: Возрождение".
- 23:00 Х/ф "Особь".
- 01:00 Х/ф "Мстители".
- 02:30 Х/ф "Вредитель".



Душанба

06:00 "24. Узбекистон" ахборот блоқи
 06:15 "Асрлар саҳоси" дастури
 07:00 "Янги авлод" студияси намоиш этади
 07:15 Болалар мусиқаси
 07:30 Информацион блок
 07:50 "Жаҳон НТТ нигоҳида" информацион блок
 08:00 "Музыка вақти" дастури
 08:30 "Форум хабарлари" кўрсатув
 08:40 "Музыка вақти" дастури
 09:00 "24. Узбекистон" ахборот блоқи
 09:10 "Мангу севиғи" т/с (20-кисм)
 09:50 "Бизнес промо"
 10:00 "Жаҳон НТТ нигоҳида" информацион блок
 10:10 "Иёл бўлсин" б/ф
 11:45 "Музыка вақти" дастури
 12:00 "24. Узбекистон" ахборот блоқи
 12:10 Кутилмаган томоша
 12:20 "Интервью" кўрсатув
 12:30 "Тошона" кўрсатув
 13:00 "Қўл ексидант уйи" б/ф
 15:00 "Жаҳон НТТ нигоҳида" информацион блок
 15:10 Ешлар студияси: "Келажақ биздан қозма юз" кўрсатув
 15:20 Хужжатли фильм
 15:45 "Музыка вақти" дастури
 16:00 "24. Узбекистон" ахборот блоқи
 16:10 "Клон" т/с (20-кисм)
 16:50 "Бизнес-промо"
 17:00 "Форум хабарлари" кўрсатув
 17:15 "Золотой фонд узбекской живописи"
 17:30 "Форум вақти" дастури
 18:00 "Янги авлод" студияси намоиш этади
 18:10 "Мадагаскарлик пингвинлар" м/ф
 18:30 "Мангу севиғи" т/с (21-кисм)
 19:00 "Музыка вақти" дастури
 19:20 "Бизнес промо"
 19:30 "Жаҳон НТТ нигоҳида" информацион блок
 19:40 "Клон" т/с (21-кисм)
 20:30 "Хулафад ахборот-таҳлилий" дастури
 20:50 "Бизнес репорт"
 21:05 "Янги кайфият" кўрсатув
 21:30 "Фантом" б/ф премьера
 23:45 "Жаҳон НТТ нигоҳида" информацион блок
 23:50 "Музыка вақти" дастури
 00:00 Тунги кинозал: "Сет" б/ф
 02:00 Тунгидаги хайрли бўлиш!

Сешанба

06:00 "24. Узбекистон" ахборот блоқи
 06:15 "Асрлар саҳоси" дастури
 07:00 "Янги авлод" студияси намоиш этади
 07:15 Болалар мусиқаси
 07:30 "Хулафад" информацион дастури
 07:50 "Бизнес репорт"
 08:00 "Музыка вақти" дастури
 08:30 "Форум хабарлари" кўрсатув
 08:40 "Музыка вақти" дастури
 09:00 "24. Узбекистон" ахборот блоқи
 09:10 "Мангу севиғи" т/с (21-кисм)
 09:50 "Бизнес промо"
 10:00 "Жаҳон НТТ нигоҳида" информацион блок
 10:10 "Тузалкич сирин" б/ф
 11:45 "Музыка вақти" дастури
 12:00 "24. Узбекистон" ахборот блоқи
 12:10 Кутилмаган томоша
 12:20 "Хет учун" кўрсатув
 12:30 "Супер келинчақ" телешоу
 13:00 "Жаҳон НТТ нигоҳида" информацион блок
 13:10 "Биринлар орасида" б/ф
 15:00 "Жаҳон НТТ нигоҳида" информацион блок
 15:10 Ешлар студияси: "Келажақ биздан қозма юз" кўрсатув
 15:20 Хужжатли фильм
 15:45 "Музыка вақти" дастури
 16:00 "24. Узбекистон" ахборот

блоқи
 16:10 "Клон" т/с (21-кисм)
 16:50 "Бизнес промо"
 17:00 "Форум хабарлари" кўрсатув
 17:15 "Менинг мағизим" ўзбекистон кўрсатув
 17:30 "Форум вақти" дастури
 18:00 "Янги авлод" студияси намоиш этади
 18:10 "Мадагаскарлик пингвинлар" м/ф
 18:30 "Мангу севиғи" т/с (22-кисм)
 19:00 "Бизнес вақти" дастури
 19:20 "Бизнес промо"
 19:30 "Жаҳон НТТ нигоҳида" информацион блок
 19:40 "Клон" т/с (22-кисм)
 20:30 "Хулафад ахборот-таҳлилий" дастури
 20:50 "Бизнес репорт" иктисодий-таҳлилий дастури
 21:05 "25-кадар" кинокурсаути
 21:30 "Хет қилон йўқ дема" б/ф
 23:45 "Жаҳон НТТ нигоҳида" информацион блок
 23:50 "Музыка вақти" дастури
 00:00 Тунги кинозал: "Дом у севера" б/ф
 02:00 Тунгидаги хайрли бўлиш!

Чоршанба

06:00 "24. Узбекистон" ахборот блоқи
 06:15 "Асрлар саҳоси" дастури
 07:00 "Янги авлод" студияси намоиш этади
 07:15 Болалар мусиқаси
 07:30 "Хулафад" информацион дастури
 07:50 "Бизнес репорт" иктисодий-таҳлилий дастури
 08:00 "Музыка вақти" дастури
 08:30 "Форум хабарлари" кўрсатув
 08:40 "Музыка вақти" дастури
 09:00 "24. Узбекистон" ахборот блоқи
 09:10 "Мангу севиғи" т/с (22-кисм)
 09:50 "Бизнес промо"
 10:00 "Жаҳон НТТ нигоҳида" информацион блок
 10:10 "Қасамдас" б/ф
 11:45 "Музыка вақти" дастури
 12:00 "24. Узбекистон" ахборот блоқи
 12:10 Кутилмаган томоша
 12:20 "Золотой фонд Узбекской живописи"
 12:30 "Comedy UZ" кўрсатув
 13:00 "Жаҳон НТТ нигоҳида" информацион блок
 13:10 "Жери олмади" б/ф
 15:00 "Жаҳон НТТ нигоҳида" информацион блок
 15:10 Ешлар студияси: "Келажақ биздан қозма юз" кўрсатув
 15:20 Хужжатли фильм
 15:45 "Музыка вақти" дастури
 16:00 "24. Узбекистон" ахборот блоқи
 16:05 "Клон" т/с (22-кисм)
 16:50 "Бизнес-промо"
 17:00 "Форум хабарлари" кўрсатув
 17:15 "Иной эгизга" кўрсатув
 17:30 "Форум вақти" дастури
 18:00 "Янги авлод" студияси намоиш этади
 18:10 "Мадагаскарлик пингвинлар" м/ф
 18:30 "Мангу севиғи" т/с (23-кисм)
 19:00 "Музыка вақти" дастури
 19:20 "Бизнес промо"
 19:30 "Жаҳон НТТ нигоҳида" информацион блок
 19:40 "Клон" т/с (23-кисм)
 20:30 "Хулафад ахборот-таҳлилий" дастури
 20:50 "Бизнес репорт" иктисодий-таҳлилий дастури
 21:05 "Тошона" кўрсатув
 21:30 "Қора отинг" б/ф премьера
 23:45 "Жаҳон НТТ нигоҳида" информацион блок
 23:50 "Музыка вақти" дастури
 00:00 Тунги кинозал: "Предложение" б/ф
 02:00 Тунгидаги хайрли бўлиш!

Пайшанба

06:00 "24. Узбекистон" ахборот блоқи
 06:15 "Асрлар саҳоси" дастури
 07:00 "Янги авлод" студияси

намоиш этади
 07:15 Болалар мусиқаси
 07:30 "Хулафад" информацион дастури
 07:50 "Бизнес репорт" иктисодий-таҳлилий дастури
 08:00 "Музыка вақти" дастури
 08:30 "Форум хабарлари" кўрсатув
 08:40 "Музыка вақти" дастури
 09:00 "24. Узбекистон" ахборот блоқи
 09:10 "Мангу севиғи" т/с (23-кисм)
 09:50 "Бизнес промо"
 10:00 "Жаҳон НТТ нигоҳида" информацион блок
 10:10 "Тавба" б/ф
 11:45 "Музыка вақти" дастури
 12:00 "24. Узбекистон" ахборот блоқи
 12:10 Кутилмаган томоша
 12:20 "Менинг мағизим" ўзбекистон кўрсатув
 12:30 "Янги кайфият" кўрсатув
 13:00 "Жаҳон НТТ нигоҳида" информацион блок
 13:10 "Тошқин" б/ф
 15:00 "Жаҳон НТТ нигоҳида" информацион блок
 15:10 Ешлар студияси: "Келажақ биздан қозма юз" кўрсатув
 15:20 Хужжатли фильм
 15:45 "Музыка вақти" дастури
 16:00 "24. Узбекистон" ахборот блоқи
 16:05 "Клон" т/с (23-кисм)
 16:50 "Бизнес-промо"
 17:00 "Форум хабарлари" кўрсатув
 17:15 "Интервью" кўрсатув
 17:30 "Форум вақти" дастури
 18:00 "Янги авлод" студияси намоиш этади
 18:10 "Мадагаскарлик пингвинлар" м/ф
 18:30 "Мангу севиғи" т/с (24-кисм)
 19:00 "Музыка вақти" дастури
 19:20 "Бизнес промо"
 19:30 "Жаҳон НТТ нигоҳида" информацион блок
 19:40 "Клон" т/с (24-кисм)
 20:30 "Хулафад ахборот-таҳлилий" дастури
 20:50 "Бизнес репорт" иктисодий-таҳлилий дастури
 21:05 "Буни ҳаёт дейдилар" дастури
 21:30 "Қиролча ва жангичлар" б/ф
 23:45 "Жаҳон НТТ нигоҳида" информацион блок
 23:50 "Музыка вақти" дастури
 00:00 Тунги кинозал: "Столкновение" б/ф
 02:00 Тунгидаги хайрли бўлиш!

Жума

06:00 "24. Узбекистон" ахборот блоқи
 06:15 "Асрлар саҳоси" дастури
 07:00 "Янги авлод" студияси намоиш этади
 07:15 Болалар мусиқаси
 07:30 "Хулафад" информацион дастури
 07:50 "Бизнес репорт" иктисодий-таҳлилий дастури
 08:00 "Музыка вақти" дастури
 08:30 "Форум хабарлари" кўрсатув
 08:40 "Музыка вақти" дастури
 09:00 "24. Узбекистон" ахборот блоқи
 09:10 "Мангу севиғи" т/с (24-кисм)
 09:50 "Бизнес промо"
 10:00 "Жаҳон НТТ нигоҳида" информацион блок
 10:10 "Чашма" б/ф
 11:45 "Музыка вақти" дастури
 12:00 "24. Узбекистон" ахборот блоқи
 12:10 Кутилмаган томоша
 12:20 "Иной эгизга"
 12:30 "25-кадар"
 13:00 "Жаҳон НТТ нигоҳида" информацион блок
 13:10 "Хантинг қириш" б/ф
 15:00 "Жаҳон НТТ нигоҳида" информацион блок
 15:10 Ешлар студияси: "Келажақ биздан қозма юз" кўрсатув
 15:20 Хужжатли фильм
 15:45 "Музыка вақти" дастури
 16:00 "24. Узбекистон" ахборот

блоқи
 16:05 "Клон" т/с (24-кисм)
 16:50 "Бизнес-промо"
 17:00 "Форум хабарлари" кўрсатув
 17:15 "Хет учун" кўрсатув
 17:30 "Форум вақти" дастури
 18:00 "Янги авлод" студияси намоиш этади
 18:10 "Мадагаскарлик пингвинлар" м/ф
 18:30 "Мангу севиғи" т/с (25-кисм)
 19:00 "Музыка вақти" дастури
 19:20 "Бизнес промо"
 19:30 "Жаҳон НТТ нигоҳида" информацион блок
 19:40 "Клон" т/с (25-кисм)
 20:30 "Хулафад ахборот-таҳлилий" дастури
 20:50 "Бизнес репорт" иктисодий-таҳлилий дастури
 21:05 "Қопқон" кўрсатув
 21:30 "Асқадлар жанги" б/ф премьера
 23:45 "Жаҳон НТТ нигоҳида" информацион блок
 23:50 "Музыка вақти" дастури
 00:00 Тунги кинозал: "Невидимая сторона" б/ф
 02:00 Тунгидаги хайрли бўлиш!

Шанба

06:00 "24. Узбекистон" ахборот блоқи
 06:15 "Асрлар саҳоси" дастури
 07:00 "Янги авлод" студияси намоиш этади
 07:30 "Хулафад" информацион дастури
 07:50 "Бизнес репорт" иктисодий-таҳлилий дастури
 08:00 "Янги авлод" студияси намоиш этади
 08:15 "Мадагаскарлик пингвинлар" м/ф
 09:00 "Музыка вақти" дастури
 09:20 "Comedy UZ" теле-шоу
 10:00 "Ўткан кунлар" б/ф
 11:30 "Тошона" кўрсатув
 12:00 "Дийдор ширин" мусиқий-дам олин дастури
 13:15 "Музыка вақти" дастури
 13:30 "Самовий йўл" б/ф
 15:00 "Музыка вақти" дастури
 15:45 "Қопқон" кўрсатув
 16:50 "Бизнес-промо"
 17:00 "Валъа" б/ф (1 кисм)
 18:00 "Боллар вақти"
 19:20 "Бизнес промо"
 19:30 "Форум хабарлари" кўрсатув
 19:40 "Музыка вақти" дастури
 20:00 "Парламент соати" ахборот-таҳлилий дастури
 20:10 "Теп" кўрсатув
 21:30 "Қайнота" б/ф (Хивинстон)
 00:00 "Музыка вақти" дастури
 00:15 Тунги кинозал: "Отчет убавств" б/ф
 02:00 Тунгидаги хайрли бўлиш!

Якшанба

06:30 "Асрлар саҳоси" дастури
 07:30 Информацион блок
 07:50 "Жаҳон НТТ нигоҳида" информацион блок
 08:00 "Буни ҳаёт дейдилар" дастури
 08:30 Болалар саҳоси
 09:20 "Супер қушқорчи-6" б/ф
 11:20 "Узлар асалинчақ" теле-шоу
 12:00 "Теп" кўрсатув
 13:00 "Гарам лам" б/ф (Хивинстон)
 16:00 "Музыка вақти" дастури
 16:15 "25 кадар" кўрсатув
 16:50 "Бизнес промо"
 17:00 "Валъа" б/ф (2 кисм)
 18:00 Боллар вақти
 19:20 "Бизнес промо"
 19:30 "Тунги студия" кўрсатув
 19:50 "Comedy UZ" теле-шоу
 20:20 "Супер келинчақ" теле-шоу
 21:00 "Дийдор ширин" мусиқий-дам олин дастури
 22:15 "Шумбола" б/ф
 00:15 "Музыка вақти" дастури
 00:30 Тунги кинозал: "Всё о Стиве" б/ф
 02:00 Тунгидаги хайрли бўлиш!

ДАВЛАТ АЛОҚА ИНСПЕКЦИЯСИ ЖАМОАСИ

Республикамиз алоқа ва ахборотлаштириш соҳаси ходимларини яқинлашиб келаётган

АЛОҚАЧИЛАР БАЙРАМИ

билан муборакбод этади.

*Азиз ҳамкасблар!
Сизларга соҳа ривожини
ва истиқболи йўлидаги саъй-
ҳаракатингизда улкан
ютуқлар тилаймиз!*

Айёмингиз муборак бўлсин!

ЭЛЕКТРОМАГНИТ МОСЛАШУВ МАРКАЗИ ЖАМОАСИ

Гўзал юртимиз алоқачиларини
КАСБ БАЙРАМЛАРИ
билан муборакбод этади.

*Эзгу мақсадларингизни
амалга оширишда Сизларга
куч-қувват ва омад тилаймиз.*

**Мамлакатимиз янада обод
ва фаровон бўлсин!**

UZINFOSOM МАРКАЗИ ЖАМОАСИ

Барча ҳамкасбларини яқинлашаётган

АЛОҚАЧИЛАР КУНИ

билан қизгин табриклайди.

*Азиз алоқачилар!
Ватанимиз гуллаб-яшнаши
йўлидаги эзгу ишларингизда
улкан муваффақиятлар тилаймиз.*

“Ўзбектелеком” АК

“ТЕЛЕКОММУНИКАЦИЯ ТРАНСПОРТ ТАРМОҒИ” ФИЛИАЛИ ЖАМОАСИ

*Алоқа ва ахборотлаштириш
соҳасида меҳнат қилаётган
барча ҳамкасбларини*

АЛОҚАЧИЛАР КУНИ

билан самимий қутлайди.

**Омад ва бахт доимий
ҳамроҳингизга айлансин.**



Айёмингиз муборак бўлсин!

Ибрат мезони

Чуст туман телекомчилари билан учрашганимизда, ўз умрини, ғайратию меҳнатини касбига бағишлаган, хозиржавоб мутахассис Алишер Каримов билан кўришдигу кадрдонлардай дўстлашиб кетдик. Сухбат чоғида унинг ажойиб қирралари, фазилати намойён бўлди.

— Мен 38 йилдан буён алоқачиларнинг ҳамқадам устозиман, — деди у хандон қилиб. — Илгарилари телефон танқис, катта йиғилишлари, учрашувларни ўтказишга, албатта, микрофон зарур эди. Бу муҳим вазифа водий бўйича менга топширилди. Ана шу сафарларда, тантанали учрашувларда мен бахтли ва омадли одам бўлганман. Ҳалима Носирова, Тама-рахоним, Фафур Фулом, Хамид Фулом, Ҳабибий, Зулфияхоним, Мирмуҳсин, Асқад Муҳтор, хашиша қувноқ водий афандиси Адҳам Ҳамдам каби машхур ижодкорларга микрофонларни созлаб, улаб берганман. У даврларда бизга ўхшаган техник кадрлар кам, хурматимиз бекиёс эди.

Ҳа, шундай, тиними йўқ инсон билан учрашиб бу, албатта, бахт эди. Бетақорр Алишер Каримов 38 йиллик иш фаолияти даврида АТС, ЛАЦ муҳандиси бўлди. Линия аппаратлари цехини бошқарди.

Тошкент электротехника алоқа ин-

ститутини тугатган Нурмухаммад Каримов отаси касбини улуғлаб, электромонтёр бўлиб фаолият кўрсатяпти.

Тармоқда Алишер ака билмаган, синчиклаб ўрганмаган соҳа йўқ. У барча алоқачиларга чинакам устоз. Янги келган бошлиққа эринмай ташкилот бурч ва вазифасини ўргатмок-

Амонов. — Жамоамиз ниҳоятда аҳил, хар ким ўз ишини ҳалоллик билан уйдаламоқда. Бош ҳисобчи А.Абдуқажжоров транспорт ва алоқа коллежини тугатган, иши пухта ва аниқ. Туман кишлоқларида, яъни Олмосда — Абдумажид Партиева, Тошкўрғонда — Аҳмаджон Пулатов электромонтёрликни дундирапти. Линия аппаратлари цехини Расулжон Қирғизбоев бошқармоқда. Электр автостанциялари ишига Шомухтор Шоюсупов масъул. Мижозлар бўлими иши Ибрат Назаров зиммасида. Кабел линияларининг фидойиси Муроджон Ҳақимов. Навбахор Аҳмедова телеграф цехида, хурматга сазовор навбатчи Саида Тўраева иктисодчи, катта мутахассис.

Кўрсаткичу ютуқларга келганда, анча салмоқли ишлар қилинган. Шаҳарлараро алоқа бўйича ўтган йилда 174 миллион сўмлик хизмат амалга оширилди. Интернет тармоғидан 41 миллион, бошқа хизматлардан 20 миллион сўмлик хизмат ҳақи ундирилди.

Хуллас, чуствлик алоқа фидойилари элга хизмат йўлида тиним билмай меҳнат қилиштиради.

Пулат ҲАМДАМ,
"Xabar"нинг
Наманган вилоятидаги мухбири

Чуст телекоммуникациялар боғламаси тумандаги 230 минг аҳолига хизмат кўрсатмокда.

да. Қисқа муддатда бизни ҳам алоқачилар оламига олиб кирди.

— Ҳозирги кунда биз тумандаги 230 минг аҳолига хизмат кўрсатяпмиз. Радио-телефон, телевидение етиб бормаган кишлоқларимиз қолмаган, — дейди тармоқ бошлиғи Жонрид

2012-YIL — MUSTANKAM OILA YILI

Янги оила

Яқинда Беруний туман телекоммуникациялар боғламаси ходими Мансур Қаландаров ҳаётида қувончли воқеа рўй берди. Мансуржон Мустаҳкам оила йилида Нукус Давлат университети табиатшунослик факултетини тамомлаган Насибахон билан турмуш қурди. Шу тариқа янги оила вужудга келди.

Мансур Қаландаров Нукус шаҳридаги ТАТУ филиали ахборот технологиялари факултетини муваффақиятли тугатиб, 2011 йилдан Беруний туман телекоммуникациялар боғламасига қарашли "Ягона ойна" марказида тижорат агенти вазифасида ишлаб келмоқда. Мансур, ёш бўлишига қарамадан, касбдошлари орасида катта обрўга эга.

Суратда: Қаландаровлар оиласи.
Раҳимжон БОЛТАБОВ



Ёш оила мустаҳкам бўлса...

Ҳар қандай жамиятнинг фаровонлиги ва маънавий соғломлигининг асосий мезони, аввало, оиланинг аҳиллиги, оиланинг мустаҳкамлигида намойён бўлади. Шу маънода 2012 йилнинг юртимизда Мустаҳкам оила йили деб эълон қилиниши "Оила соғлом экан — жамият мустаҳкам, мамлакат барқарор" деган тамойилни инсонлар ҳаётида қарор топтиришда, ҳеч шубҳасиз, янги бир босқич бўлади.

Бобур номидаги Андижон вилоят ахборот-кутубхона марказида ташкил этилган "Кутубхона иккинчи оилам" клубининг ёш оилалар ва улар фарзандларининг маънавий камол топишида олиб бораётган самарали ишла-

ри юқоридаги тамойилнинг амалдаги ижроси десак муболаға бўлмайди.

Яқинда Андижон шаҳридаги 29-умумтаълим мактабида ўтказилган клубнинг навбатдаги машғулотига "Ёш оилалар мустаҳкамлиги йўлида" мавзусида бўлиб ўтди.

Тадбирда шаҳардаги 31-мактабнинг психолог-ўқитувчиси, хотин-қизлар кўмитаси раиси Нарғизахон Ҳамидова "Мустаҳкам оила ва баркамол авлод" мавзусидаги маърузаси билан, 2-поликлиника шифокори Нилуфархон Аскарлова "Репродуктив саломатлик ва унинг оилалардаги аҳамияти" мавзусидаги маърузалари билан иштирок этдилар. Мутахассисларнинг чиқишлари тадбирда иштирок этган "Эркин", "Ўзгариш", "Ғай-

рат" маҳаллаларида истиқомат қилаётган уй бекалари учун фарзандлар тарбияси ва уларнинг саломатлигига эътиборида муҳим аҳамиятга эга бўлди.

Тадбир давомида ёш уй бекалари 29-мактабда тахсил олаётган фарзандларининг шеърый чиқишларидан баҳраманд бўлдилар.

Тадбир якунида "Эркин" МФЙдан ташриф буюрган, шу маҳалланинг энг намунали оила бекаларидан саналган Қирғиёхон Қодирова оила мустаҳкамлигида ўзининг ҳаётий тажрибаларини гапириб ўтиши ёш уй бекалари учун янада қизиқарли ва фойдали бўлди.

О.ЙЎЛДОШЕВА,
Бобур номидаги Андижон вилоят
АКМ етакчи кутубхоначиси

Сўзга нур бағишлаган адиб

Абдулла Қодирий — бу ном тилимизда жаранг сочганида биринчи гада кўзимиз олдига "Ўткан қулар" романи, Отабек ва Кумушбиби сиймосини келади.

XX аср ўзбек романчилигини Абдулла Қодирий ижодисиз тасаввур қилиш мумкин эмас. Бу сиймо нафақат биринчи ўзбек романининг муаллифи, балки ўзбек адабиёти бўстонидagi энг гўзал ва боқий бир асарнинг эгаси ҳамдир. Президентимиз Қодирий ҳақида шундай фикр билдирган эди: "Юртимизда Абдулла Қодирий асарлари кириб бормаган бирорта ҳам хонадон бўлмас керак. У фақат ўзбекларнинг эмас, балки Туркистон халқларининг ҳам сеvimли адиби, озоdлик ва истиклол куйчисидир".

Таникли шарқшунос олим Евгений Бертельс "Дунёда бешта, яъни: француз, инглиз, рус, немис ва хинд романчилиги мактаби бор эди. Энди олтинчиси, яъни ўзбек романчилиги мактаби пайдо бўлди, бу мактабни Абдулла Қодирий яратиб берди" деб ёзган эди. Абдулла Қодирий ўз халқини саводли, билимли, маданиятли ва озоd кўриш руҳи билан қалам тебратди. У меҳнаткаш, пок, ҳалол, ўз ақл-фаросати, яхши одамлар қалбидagi заковат ва саховат, самимият, севги-саломат, фидойилик туйғуларини улдулади, мансабпарастлик, дунёпарастлик, шухратпарастлик, муттахамлик, адолатсизликлар, бузуқликларни ўткир қалам тигига олиб, санъаткорлик қалби билан умр бўйи кураш олиб борди.

Дарҳақиқат, бу сўзларнинг тағ замирида бир олам маъно мўжжасам. Шу кунларда юртимизда сеvimли ёзувчимиз Абдулла Қодирий таваллудининг 118 йиллигига бағишланган қодирийхонлик кечалари барча ўқув юртлари ва кутубхоналарда оммавий тарзда ўтказилмоқда. Шу жумладан, А.Қодирий номидаги Навоий вилоят ахборот-кутубхона марказида ҳам Қодирий таваллудига бағишлаб "Абдулла Қодирий — ўзбек миллий романчилигининг асосчиси" мавзусида китобхоналар анжумани ўтказилди. Бу кутубхона нафақат шу йили, балки кутубхона ташкил этилганидан буён фаол китобхоналар ва вилоятнинг таникли шоир ва ёзувчилари билан биргаликда қодирийхонлик кечаларини ташкил этиб келган. Бу йил эса бу тадбир ниҳоятда ўзгача тарзда ўтказилди.


Анжуманда Ўзбекистон Ёзувчилар уюмчаси аълолари Одил Ҳотамов ва Баҳриддин Садриддиновлар ўз маърузалари билан иштирок этишди. Тадбир давомида фаол китобхоналар Қодирий асарлари ҳақида битилган гўзал фикрларни йиғилганларга улашди. Шунингдек, кутубхоначи ходимлар томонидан китоблар кўргазмаси ҳамда электрон китоб кўргазмаси ташкил қилинди.

Феруза АҲМЕДОВА,
Навоий маданият ва санъат
коллежи ўқувчиси

**"ЎЗБЕКИСТОН ПОЧТАСИ" ОАЖ
САМАРҚАНД ФИЛИАЛИ
ЖАМОАСИ**



Юртимиз алоқачиларини
касб байрамлари —
АЛОҚАЧИЛАР КУНИ
билан қутлайди.



Ўтаётган ҳар бир лаҳза
ҳаётингиз мазмунига айлансин!

**"Ўзбектелеком" АК
"ТОШКЕНТ ШАҲАР ТЕЛЕФОН
ТАРМОҒИ" ФИЛИАЛИ ЖАМОАСИ**

Барча ҳамкасбларини
яқинлашиб келаётган
АЛОҚАЧИЛАР КУНИ
билан қизгин табриклайди.



Эзгу орзуларингиз
ушалаверсин!

**"ЎЗБЕКИСТОН ПОЧТАСИ" ОАЖ
АНДИЖОН ФИЛИАЛИ ЖАМОАСИ**

Барча ҳамкасбларини яқинлашаётган
АЛОҚАЧИЛАР КУНИ



билан қизгин табриклайди.



Азиз алоқачилар!
Ватанимиз равнақи йўлидаги
саъй-ҳаракатларингизда улкан
муваффақиятлар тилаймиз.



**"Ўзбектелеком" АК
ХОРАЗМ ФИЛИАЛИ ЖАМОАСИ**

Алоқа ва ахборотлаштириши

созаси ходимларини

касб байрамлари

билан муबारакбод этади.



Сизларга куч-қувват
ва омад тилаймиз!

АРМдан ўқувчилар мамнун

Марғилон шаҳридаги академик лицей ахборот-ресурс марказига қачон қандам ранжида қилсангиз, ўқувчилар билан гавжумлигига гувоҳ бўласиз. Ўқувчилар хоҳ бадий китоб, хоҳ илмий рисола бўлсин, уларнинг барчаси маънавиятга хизмат қилувчи ажойиб манбаалар эканлигини яхши биладилар. Марказ ходимлари ёшларнинг билимга чанқоклигидан, изланувчанлигидан мамнунлар. Уларнинг ҳар бири кунни мана шундай бошлади.

Президентимизнинг 2006 йил 20 июнда қабул қилинган "Республика аҳолисини ахборот-кутубхона билан таъминлашни ташкил этиш тўғрисида"ги қарори маънавият маскани бўлган кутубхона хизматини янада тақомиллаштиришда, ёшларнинг интеллектуал салоҳиятини оширишда, аҳолининг кенг ва тизимли ахборот олишларида зарур шарт-шароитларни яратиб берапти. Ахборот-ресурс марказида айни вақтда интернет тармоғининг мавжудлиги, ўқув қўлланмалари, дарсликлар, адабиётларнинг етарли эканлиги ўқитувчи ва ўқувчилар учун ўзига хос қулайликларни яратмоқда. Ҳозирда марказда Матлуба Тожибоева, Санобар Абдуллаева, Соҳиба Шохўжаева, Ойша Раҳмонова, Арофат Обиджоновна каби педагог устозлар ўқувчиларга ёрдам кўрсатмоқда.

Лицейда дарс машғулоти тугаши заҳотиёқ ўқувчилар АРМ ўқув зали томон ошиқадилар. Кимдир қўшимча дарс тайёрлашга киришади, кимдир уй

вазифаларини бажариш, яна кимдир газета, журналларни ўқиш билан машғул бўлади. Яна бири сара адабиётларни мутолаа қилиш билан банд. Бундай вақтда марказ ходимлари ҳар бир китобни қайд этишга киришиб, қўллари-қўлларига тегмайди. Бу жарафни кузатиб, қобилиятли, изланувчан, билимга чанқок ёшларга ҳавасингиз келиши табиий.

— Инглиз тилига кизиқишим бекиёс. Бу жиҳатдан АРМда хорижий тиллардаги адабиётлар ҳам бисёрлиги биз ўқувчилар учун айни муддао бўлди. Уйга берилётган вазифаларни бажаришда улардан фойдаланиб, билимларимизни ошириб борамиз, — дейди лицей хорижий филология йўналиши ўқувчиси Сирожиддин Каримов.

— "Ёш ижодкор" клубида Президентимиз асарлари юзасидан ҳам турли семинарлар ташкил этиб бораёмиз, — дейди ахборот-ресурс маркази раҳбари Санобархон Абдуллаева. — Бебаҳо асарларимизни ўрганиш, адабиётимиз намоёндаларининг таваллуд топган кунларини нишонлаш, адабий кечаларни уюштириш юзасидан ёшларимиз ўзлари ташаббус кўрсатишапти. Ўтказган тадбирларимиз якунида ўқувчиларимизни рағбатлантириб, уларнинг янги тақдир, мулоҳазаларини тинглаймиз. Марказимиз айни кунда 4157та дарслик, 15178та турли адабиётлар билан таъминланган бўлиб, 20 турдан ортик матбуот нашрига обуна бўлган.

Мухаммаджон МАҲМУДОВ

"Йилнинг энг яхши ахборот-ресурс маркази" кўрик-танлови

2012 йилнинг 19 апрел куни Самарқанд қурилиш ва миллий хунармандчилик касб-хунар коллежида "Йилнинг энг яхши ахборот-ресурс маркази" кўрик-танловининг вилоят босқичи бўлиб ўтди. Унда Каттакўрғон саноат ва миллий хунармандчилик, Самарқанд тиббиёт, Пахтачи қишлоқ хўжалик, Оқдарё политехника, Булуғур педагогика ва спорт, Иштихон иқтисодий ва тадбиркорлик, Пастдарғом политехника, Ургут қурилиш ва миллий хунармандчилик, Тайлоқ агротадбиркорлик касб-хунар коллежлари АРМ ходимлари қатнашди.

Кўрик-танлов шартлари АРМ фаолияти бўйича қўрғазма, АРМда ўтказилган энг яхши тадбирни веб-саҳифаси орқали намойиш этиш, АРМ фаолияти тўғрисида АРМ раҳбарининг маърузаси, соҳага доир тест синовлари, интернет ёрдамида берилган мавзу бўйича маълумотлар банкни яратишдан иборат эди. Танлов якунига қўра, 1-ўрин Самарқанд тиббиёт коллежига, 2-ўрин Ургут қурилиш ва миллий хунармандчилик, 3-ўрин Тайлоқ агротадбиркорлик ҳамда Пахтачи қишлоқ хўжалик касб-хунар коллежлари ходимларига nasib этди.

Республика миқёсида бўлиб ўтадиган "Йилнинг энг яхши ахборот-ресурс маркази" кўрик-танловида иштирок этадиган Самарқанд тиббиёт коллежи АРМ ходимларига омад ёр бўлсин, деймиз.

Маҳбуба КУЛОВА,

Самарқанд вилоят АКМ илмий услубият бўлими мудир

Ўтавларнинг охирига обод бўлсин

Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги жамоаси Агентлик Бош директорининг ўринбосари Миродил Сангилов ва оила аъзоларига падари бузруквор

Миродил ота САНГИЛОВнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изхор этади.

"TELMAX ELEKTRONIKS" масъулияти чекланган жамияти жамоаси 2-сонли ишлаб чиқариш бўлими бошлиги Тўлғон Усмоновга падари бузруквор

Турғун ота УСМОНОВнинг


вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардлиқ изхор этади.

Хоразм вилояти алоқа ходимлари бирилаган қасаба уюшмаси қўмитаси жамоаси ЎзААА Хоразм вилояти худудий бошқармаси бошлиги вазифасини бажарувчи Қўшназар Хайитбаевага синглиси ДИЛБАРЖОНнинг вафоти муносабати билан таъзия билдиради.

Қашғар телекоммуникациялар боғламаси жамоаси ҳамда цех қасаба уюшмаси аъзолари боғлама электро-механиги Ойзият Хуррамовага отаси

Рўзаймурод ХУРРАМОНОВнинг

вафот этганлиги муносабати билан таъзия билдиради.



Сув, қуёш ва ҳаводек зарур

Яқинда корхонамизда саломатлик мавзусига бағишланган учрашув бўлиб ўтди.

Тадбирда шифокор инсон саломатлигида йод элементи қай даражада ўрин тутишини шундай таърифлади: Маълум бўлишича, мазкур элемент қалқонсимон без томонидан ишлаб чиқарилар ва гормонлар эса организмнинг ўсиши, ривожланиши ҳамда танадаги барча аъзоларнинг фаолияти учун жуда муҳим экан. Шифокор, шунингдек, бизга йод асосан озик-овқат маҳсулотлари орқали қабул қилинишини, бироқ бизнинг туپроқ ва сувимизда, унда етиштирилётган мева-сабзавот, дон ва гўшт маҳсулотларида ана шу элемент миқдори камлиги ва у инсоннинг кундалик эҳтиёжларини қондира олмаслигини айтиб, оқибатда йод танқислиги ҳолатлари юзага келишини ҳам тушунтириб берди.

— Бу касаллик ҳомиладор аёллар ва болаларда оғир асоратлар қолди-

риши билан жуда хавфли, — деди шифокор. — Туғилган бола ақлий ва жисмоний ривожланишдан орқада қолади. Болаларнинг ўқишга кизиқиши пасайиши, фикрлашининг қийинлашуви, дарсни яхши ўзлаштиролмаётгани, юрак хасталиги, суяк-ислигининг асорати бўлиши мумкин. Бундай ҳолларда болани шифокор-эндокринологга кўрсатиш керак, — уқтирди шифокор. — Катталарда ҳам бўқоқдан ташқари ақлий ва жисмоний қобилиятни су-сайтиради. Бу дарга чалинмай десангиз, овқат тайёрлашда мухтазам равишда йодланган ош тузидан фойдаланинг.

Демак, тиббий саводхонлигимизни ошириб боришимиз, интеллектимизни юксалтириш ҳақида тузукрок қайғуришимиз даркор.

Замирахон АКБАРОВА,

"Ўзбектелеком" АК Фарғона филиали кадрлар бўлими катта нозир

Қалбда олижаноб туйғулар бўлса...

Сигарет чекиш, спиртли ичимликлар истеъмол қилиш каби ярамас одатларнинг, нотўғри овқатланишнинг зарарлари ҳақида кўп эшитганмиз. Бироқ сикилиш, хафагазааклик, ичида гина-қудурат сақлашнинг оқибатлари ҳам бениҳоя аяқчи эканлиги тўғрисида деярли билмас эканмиз.

Шифокор билан бўлган мулоқот менга шу жиҳати билан ҳам жуда маъқул бўлди. Сал гапга ҳам руҳимизни тушириб, қовғимиз очилмай қолиши ҳам бор гап. Бу билан биз, шифокорнинг айтишича, нафакат кимларнингдир, балки ўзимизнинг ҳам соғлиғимизга зарба берар, айни вақтда ишларимизнинг белгига тепар эканмиз. Хуллас, ўзгаларнинг дилини оғритишдан ҳам, ўзимизни эса қаттиқ ранжишлардан ҳам сақламоғимиз шарт.

Ана шундай салбий туйғулар, кўрқув, ҳадик-хавотир танамиздаги барча аъзоларда "акс-садо" берар, ҳаттоки қалций моддаси алмашинуви бузилиб, тиш ва суякларга ҳам таъсир этар экан. Муттасил равишда нималаргадир эга бўлиш кўйида эмас, кимларгадир нимадир бериш, қандайдир ёрдамлар кўрсатишдек яхши ниятлар оғушида яшаш эса саломатлигимизни ҳам мустаҳкамлар экан. Дарҳақиқат, ўз ишидан мамнунлик кишида энг ёқимли хис-туйғуларни уйғотиши табиий.

Жисмоний машқлар ҳам руҳий ларзаларни енгиллатиши мен учун янгилик бўлди. "Ўзингиз учун ақалли ярим соат ажратиб, жисмоний машқлар ҳада этинг, — деди шифокор. — Бардам қомат, текис елкалар, эркин нафас олишдан қайфиятнингиз ўз-ўзидан кўтарилади". Қайсидир донишманд "Ҳаракат бу ҳаётдир" деб айтганда қанчалар ҳақ экан! Хулоса қилиб айтганда, қуялримизни энг олижаноб туйғуларга тўлдириб яшасак, одамларга фақат эзуликлар соғинсак ҳаётимизга ажойиб инсонлар кириб келаверади.


Зилолаҳон РАЙИМЖОНОВА,

"Ўзбекистон почтаси" ОАЖ Фарғона филиали ходими

Соғлом оила – жамият таянчи

"Матбуот тарқатувчи" акциядорлик компанияси томонидан Мустаҳкам оила йилига бағишланган "Соғлом оила – жамият таянчи" оилавий мусобақаси ҳамда "Ош фестивали" ўтказилди.

Оилавий мусобақалар Тошкент алоқа касб-хунара коллежи спорт залида ташкиллаштирилди. Унда акциядорлик компанияси тизимида меҳнат қилувчи ходимлар ўғил ва қизлари билан қатнашишди. Мусобақалар дастуридан ўрин олган тезлик эстафетаси, тўпни дарвозага аниқ йўллаш, коп билан сакраб югуриш, арғамчида сакраш, халка айлангариш каби бир-бирдан қизиқарли беллашувлар болажонлар қувончига сабаб бўлиш билан бирга, ота-оналарни ҳам ҳаёт ташвишларини бир дамга унуттишга, беғубор болаликка қайтишга ундади. Оилаларнинг беллашувлари эришган натижалари ҳакамлар томонидан қайд этиб борилди. Беллашувлар якунида ўғил фарзандли жамоалар орасида 1-ўринни Дониёр Қосимов оиласи, 2-



ўринни Шомахмуд Шокаримов ва 3-ўринни Муниса Абдижалилова оиласи эгаллади. Қизлари билан иштирок этган оилалар орасида Бахтиёр Каримов (1-ўрин), Улуғбек Хонкулов (2) ва Феруза Латипова (3)лар тегишли совринларни қўлга киритишди. Мусобақа волиблари ва иштирокчиларига компаниянинг эсдалик совғалари топширилди. * * * Тадбирлар дастурига киритилган яна бир танлов – "Ош фестивали" акциядорлик ком-

панияси ҳовлисида ташкиллаштирилди. Пазандалик маҳоратини намойиш этиш учун 5та жуфтлик курашга киришди. Камолиддин Расулов ва Махмуд Ғофуровлар биргаликда тайёрлаган ош ҳакамлар томонидан энг юқори баҳога сазовор бўлди. Иккинчи ва учинчи ўринлар Наталья Коваленко-Наталья Молчанова ва Алишер Раззоқов-Абдували Абдуллаевлар жуфтликга насиб этди.

Ўз мухбиримиз

Жиззах вилоят алоқа корхоналари ходимлари ўртасида "Соғлом оила – жамият таянчи" шiori остида оилавий спорт мусобақаси бўлиб ўтди.

Ушбу спорт мусобақасида "Ўзбектелеком" АК Жиззах филиали, "ЎЗИ-Жиззах" филиали, "Ўзбекистон почтаси" ОАЖ Жиззах филиали, "Матбуот тарқатувчи" МЧЖ ходимлари қатнашдилар. Етти ҳаракатли ўйиндан иборат бўлган беллашувда ўғил болали оилавий жамоада "ЎЗИ-Жиззах" филиали ходими Тўлқин Бойматовлар оиласи, қиз болали оилавий жамоа ўртасида "Матбуот тарқатувчи" МЧЖ ходими Баҳодир Эшонкуловлар оиласи волиб бўлишди ва кейинги босқичга йўлланма олишди.

Мусобақа кўтаринки руҳда ўтди. Спорт мусобақасига мутаносиб равишда "Ош фестивали" ҳам ўтказилди. Ушбу фестивалда 9 жамоа ўзларининг маҳоратларини кўрсатишди. 1-ўринни "Ўзбекистон почтаси" ОАЖ Жиззах филиали шахар почта алоқаси тармоғи жамоаси – Уктам Хидиров ва Хулқар Хидирова, 2-ўринни "Матбуот тарқатувчи" МЧЖ жамоаси – Шоҳиста Турсунова ва Анора Жўрақулова, 3-ўринни "Ўзбекистон почтаси" ОАЖ Жиззах филиали Учтепа почта алоқаси тармоғи жамоаси – Гулнора Қосимова ва Гулнора Уриновалар эгаллашди.

Мусобақалар якунида тадбир қатнашчиларига ош тортиди, волиблар вилоят алоқа ходимлари бирлашган касабга уюшмаси қўмитасининг дипломи ҳамда совринлар билан, қолган иштирокчилар рағбатлантирувчи совғалар билан тақдирландилар.

Рита ЗАРИПОВА,
Жиззах вилоят алоқа ходимлари
бирлашган касабга уюшмаси қўмитаси
спорт йўриқчиси

Мустаҳкам оила йилига бағишланган "Соғлом оила – жамият таянчи" оилавий мусобақаси ҳамда "Ош фестивали"нинг саралаш босқичи "Ўзбекистон почтаси" ОАЖ Қашқадарё филиалида ҳам ўтказилди.

Мусобақанинг саралаш босқичида филиалнинг шахар ва туман почта алоқаси тармоқларидан, Қарши почта ишлаб чиқариш участкасидан жамоалар ва иштирокчилар қатнашдилар.

Танловнинг вилоят босқичида Бешкент (Озод Маматкулов оиласи) ҳамда Муғлон почта алоқаси (Раҳматилла Маматкулов оиласи) тармоқларидан иштирок этган оилавий жамоалар филиал шарафини ҳимоя қиладиган бўлди.

"Ош фестивали"нинг саралаш мусобақасида Қарши почта алоқаси тармоғининг 4-алоқа бўлими хушхабарчиси Ёқуб Турсунов томонидан тортик қилинган "Қашқадарёча палов" вилоят саралаш баҳсларида ҳам тайёрланадиган бўлди.

Собир ТУРДИҚУЛОВ,
филиалнинг назорат ишлари бўйича иш юритувчиси

Баркамол авлод оилада қўлғаяди

Адиб Собир Термизий номидаги Сурхондарё вилоят ахборот-кутубхона марказида Мустаҳкам оила йилига бағишлаб "Соғлом оила – юрт таянчи" мавзусида аяжуман ўтказилди. Тадбирда Термиз шаҳар мактабгача таълим ва хизмат кўрсатиш коллежи ўқувчилари қатнашди. Улар учун Термиз тиббиёт коллежи акушерлик ва гинекология фани ўқитувчиси З.Шарипова "Вояга етмаган қизларни эрта турмушга бериш ва унинг зарарлари" мавзусида, Термиз шаҳар ички ишлар бўлими

лейтенанти С.Очилова "Вояга етмаганлар ўртасида ҳуқуқбузарликнинг олдини олиш" мавзусида маъруза қилишди.

Айқуманда вояга етмаган қизларни турмуш қуришга тайёрлашда илмий ва халқчил усуллари излаб топиш, миллий урф-одатларимиздан оқилона фойдаланиш, ёшларни турли тўғарақларга, спорт соҳасига, оммавий тадбирларга жалб қилишда маҳалла ва ўқув максамларининг ўрни муҳим эканлиги таъкидланди.

Тадбир доирасида ахборот-ку-

тубхона маркази ҳуқуқий ахборот сектори кутубхоначилари томонидан "Соғлом оила – соғлом бола", "Баркамол авлод оилада қўлғаяди" номи китоб кўргазмалари ташкил қилинди.

АКМ кутубхоначилари кўргазма ёнида "Ёшлар – жамият тараққиётининг етакчи кучи" мавзусида ҳам суҳбатлар ўтказиб бормоқда.

Мехринисо МАМАТҚУЛОВА,
Сурхондарё вилоят АКМ директори ўринбосари

UMID NIHOLLARI-2012

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 3 июнда қабул қилинган "Ўқувчи ва талаба ёшларни спортга жалб қилишга қаратилган узлуксиз спорт мусобақаларини ташкил этиш тўғрисида"ги қарорига биноан мамлакатимизда ўтказилаётган спорт мусобақалари ёш авлоднинг соғлом ва баркамол бўлиб вояга етишида муҳим рол ўйнамоқда.



Навоий ёшларни чорлайди

"Умид ниҳоллари-2012" мусобақаларининг финал босқичи Навоийда бўлиб ўтиши кўпчиликка маълум.

Айни кунларда бу нуфузли беллашувга тайёргарлик ишлари қизғин авж олган. Стадионлар, спорт залларининг таъмирланиши, янгидан жиҳозланиши сўнгги босқич ишлари ҳам ниҳоясига етай деб қолди.

Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлигининг 2012 йил 28 мартдаги "Умид ниҳоллари-2012" Республика спорт мусобақалари финал босқичини юқори савияда ўтказиш тўғрисидаги 67-ф-фармойишини бажариш мақсадида ишчи гуруҳлари учун 15 та рация ажратилди, дейди Агентликнинг Навоий вилояти ҳудудий бошқармаси бошлигининг ўринбосари Ҳасанжон Қаюмов. – Беллашувлар ўтказиладиган 34та объект алоқа билан таъминланиши зарур эди. Бугунги кунда 13та ўйингоҳдан 5тасида стационар телефон, 7тасида мобил алоқа, биттасида стационар телефон ишлаб турибди. 11та тураржойдан 9тасида стационар телефон, иккитасида мобил телефон мавжуд, 10та ошхоналардан 7таси мобил алоқаси, учтаси стационар телефонга эга. Ташкилий гуруҳ стационар телефон ва даврий нашрлар билан таъминланди.

Спорт мусобақаларига тайёргарлик қўриш ва ўтказиш даврида мобил операторлар томонидан ишчи гуруҳларига ва ташкилотчиларга "Ucell", "Билайн" ва MTS компаниялари томонидан жами 80та сым карта ажратилиши йўлга қўйилди.

Бундан таққари, Навоий информатика ва электроника саноати коллежининг талабалар тураржойини тегишли жиҳозлар ва анжомлар билан таъминлашга ҳоимий ташкилотларнинг 96 миллион сўм маблағи йўналтирилди.

"Умид ниҳоллари-2012" спорт мусобақаларининг очилиш ва якуний тадбирлари ўтказиладиган Навоий шаҳридаги янги Марказий стадиондан телесигналларни тўғридан-тўғри узатиш учун "Ўзбектелеком" АК "Телекоммуникация Транспорт Тармоғи" филиали 10-боғламаси томонидан Навоий вилояти ТРК техник хонасига 3 фазали ўзгарувчан электр таъминоти тизими киритилиб, тақсимловчи автоматли қурилма ва SMS-600 алоқа қурилмаси монтаж қилинди.

"Ўзбектелеком" АК Навоий филиали томонидан режалаштирилган 1200 метр оптик толали алоқа кабели тўлқин ётқизишига эришилди. Янги стадионни телефон алоқаси билан таъминлаш мақсадида 1500 метр ТШП 10х2 кабел ётқизилди.

Қисқа қилиб айтганда, алоқа тизими тармоқлари зиммасидаги вазифалар адо этилиб, мусобақаларга тахт қилиб қўйилди.

Маруза ҲОСИЛОВА,
"Xabar"нинг Навоий вилоятидаги мухбири

Табриклай миз!

"Ўзбекистон почтаси" ОАЖ Фарғона филиали жамоаси Кува почта алоқаси тармоғи бошлиғи Ҳамдамжон ИМОМОВни муборак 58 ёши билан самимий табриқлайди. Унга узоқ умр, оилавий хотиржамлик ва ишларига муваффақиятлар тилайди.

Халқимиз хайр-саховат ва олижанобликда намуна инсонларга Хотамтой, дея баҳо беради. Бу ҳақиқатан яшаб ўтган инсон номини ёки қўли очик, саховатпеша одамлар ҳақида битилган афсонами?

Хақиқатан ҳам бу атама ўз-ўзидан пайдо бўлмаган. Мурувватпешалиги билан ном қозонган Хотами Тойнинг исми бора-бора ўзи каби инсонларнинг сифатига айланиб кетган. Унинг асл исми Абу Сафона (Адий) Хотам ибн Абдуллоҳ бинни Саъд бўлиб, мелодий V-VI асрларда яшаб ўтган ва арабларнинг Той қабиласи бошлиғи бўлган. У нафақат қўли-очик, бадавлат инсон, балки нозиктаъб шoir бўлганлиги ҳақида ҳам маълумотлар мавжуд.

Ривоятларга кўра, у умрини эзгу ишлар учун бахшида этади. Бойлигини хайр-эхсон йўлида сарфласа-да, давлати кундан-кунга кўпаяверган. Маълумотларга қараганда, унинг қасрида етмиш икки эшик бўлиб, ҳожатталаб одамлар ҳар бир эшикдан бир-бир кириб, ўзига керагини олиш-

са ва эртасига яна шу ҳолат такрорланса ҳам куруқ чиқишмас экан.

Вақти-соати етиб Хотам дунёдан ўтгач, унинг эгиз укаси ўрнини эгалламоқчи бўлибди. Онаси эса унга

ХОТАМИТОЙ: ҲАҚИҚАТМИ ЁКИ АФСОНА?

этироз билдирибди:

— Хотам битта эди. Сен унингча-лик сахий бўла олмайсан барибир.

Акаси каби шуҳрат қозонишни истаган кичик ўғил Хотамнинг саройига бориб ўтирибди ва ўзини иккинчи Хотам деб эълон қилибди. Она унинг матонатини синаб кўриш мақсадида тиланчи кийимини кийибди ва эшиклардан бирига борибди. Ўғил, табиийки, онасини танимабди ва уни катта-катта инъомлар бериб кузатиб қўйибди. "Тиланчи аёл" иккинчи, учинчи, тўртинчи ва охириги етмиш иккинчи эшикка ҳам кириб

О'ТМИШГА SAYOHAT

садақа сўрайверибди. "Иккинчи Хотам" акасининг одатига амал қилиб, унга эҳсон бераверибди. Аёл эса қайтадан яна биринчи садақа сўраган эшикка борибди. Буни кўрган ўғил ғазабдан бакириб юборибди.

— Сен аёлда инсоф борми ўзи? Етмиш иккита эшикка кириб, қўйни-қўнжингни тўлдириб чиқдинг. Энди етар!

Шунда она эғнидаги тиланчи кийимини ечибди. Ўғил эса онасини таниб, боши эгилибди.

— Мен сенга нима деган эдим, ўғлим, — дебди она. — Агар аканг бўлганида ҳеч қачон бундай қилмасди. Унинг саховатпешалиги чақалоқ пайтингиздан маълум эди. То сен тўйиб олмагунингча у эмасди. Сен эса сийнамнинг бирини эмиб, иккинчисини қўлинг билан ушлаб турардинг. Сен иккинчи Хотамлиқни даво қилиш ўрнига, чин ихлос билан одамларга яхшилик қил. Баҳони улар беришади.

SO'RANG, JAVOB BERAMIZ

Қанадай сақласа бўлади?



— Турмуш ўрғимининг юбилей санаси муносабати билан уйимизга меҳмон чақирдик. Керакли нарсаларни, шу жумладан, хўл меваларни ҳам 2-3 кун илгари харид қилдик. Бозорда чиройли кўринишда бўлган бананлар негадир бир кунда қорайиб кетди. Банан қораймаслиги учун нима қилиш керак?

Клара САИДОВА
Тошкент вилояти



— Гап шундаки, банан олма билан ёнма-ён турганда хона ҳароратида жуда тез пишиб етилади. Сабаби, олма ўзидан меваларнинг тез пишиб етилишига ёрдам берувчи этилен ажратиб чиқаради. Сиз олган бананлар ҳам олма билан ёнма-ён қўйилган бўлса керак.

Умуман олганда, агар бананларни олдинроқ олиш зарурати туғилса, пўстлоғи шикастланмаган, лат емаган, яшил рангдагиларини харид қилган маъқул. Етилган бананларни эса совутгичда усти ёпиладиган пластик идишда сақлаган маъқул. Шунда пўстлоғи қораймайди. Яна шунга ҳам унутмангки, бананлар яхши сақланиши учун уларга кимёвий ишлов берилди ва зарарли модда унинг пўстлоғида бўлади. Шу сабаб, бананнинг пўстлоғини арчанингиздан сўнг қўлингизни яхшилаб ювиб, сўнг фарзаңдингизга беришингиз ёки ўзингиз истеъмол қилишингиз лозим.

Флора ВАЛИЕВА,
кимёгар



АЛБАТТА, ЁРДАМ БЕРАДИ!

Бемор:

— Кейинги пайтда негадир кўзим хиралашиб қолди.

Шифокор:

— Кўпроқ қизил сабзи енг, кўз қувватини оширади.

Бемор бир оз шубҳаланиб:

— Сабзи дейсизми, ёрдам берадими ишқилиб?

Шифокор:

— Албатта, ёрдам беради! Нима, умрингизда кўзойнақ таққан кўённи кўрмаганмисиз?

Баҳорги ниқоблар

1 дона тухум сариғи ва 1 ошқошиқ глицеринни аралаштиринг. Ниқобни 10-15 дақиқага юзингизга суртинг, кейин илик сув билан чайинг.

1 ош қошиқ унга яримта тухум сариғи ва 1 чойқошиқ асал қўшиб аралаштиринг. Ниқобни 10-15 дақиқага юзингизга суртинг. Пахтани илик сувда намлантириб, ниқобни артинг.

1 ошқошиқ творогни 1 чойқошиқ қаймоқ, бир чимдим туз билан аралаштиринг. Ниқобни 15-20 дақиқа юзингизга суртиб, сўнгра илик сув билан ювинг.

Юзингиздаги қуруқликни кетказиш учун лосион тайёрланг: 2 ошқошиқдан пиёз шарбати ва спирт, ярим стакан қаймоқ, 1 дона тухум сариғи, 2 ошқошиқ ва 1 дона лимон шарбатини аралаштириб шишага солиб қўйинг. Лосионни юзингизга суртганингиздан 30 дақиқа ўтгач, илик сув билан ювинг.



Фойдали маслаҳатлар

Одатда ошхона сочикларини оқартириш қийин. Мушкул ишни осон қилиш учун 5 литр сувга 5 ошқошиқ туз солиб, сочикларни ивитиб қўйинг. Кейин эса қуқунли сувда ювинг.



Пардаларни дазмолламаслик учун уларни аввал ювинг, аммо чайганингизда сувини сиқманг. Акс ҳолда парда матоси қийшайиб, тортилиб қолиши мумкин. Бунинг олдини олиш учун пардаларни чайганингиздан сўнг юмшоқ сочикка бир текис қилиб тахланг. 15 дақиқа ичда сочик намликни шимиб олади. Ярим қуриган пардаларни дазмолламасдан илишингиз мумкин.

Гўшт қиймалагич осон тозаланиши учун гўштни ўтказиб бўлгач, яримта картошкани қиймаланг. Шунингдек, ойда бир марта гўштқиймалагичдан совун бўлакларини ўтказинг. Шунда уни тозалаш осонлашади.



"Xabar" газетасида реклама ва эълонлар қабул қилинади

Тел.: 288-40-72, 288-40-69

E-mail: info@xabar.uz



<p>Xabar</p> <p>МУАССИС:</p> <p>ЎЗБЕКИСТОН АЛОҚА ВА АХБОРОТЛАШТИРИШ АГЕНТЛИГИ</p> <p>Бош муҳаррир: Абдусайд КҮЧИМОВ</p>	<p>ТАҲРИР ХАЙЪАТИ: Ҳаким МУҲИТДИНОВ (Хайъат раиси), Асаджон ХҲЖАЕВ, Миродил САНГИЛОВ, Шухрат СОДИҚОВ, Шухрат АТАМУҲАМЕДОВ, Суван НАЖИДДИНОВ, Рустам ҚОСИМОВ, Абдуғани АБДУРАҲМОНОВ (Бош муҳаррир ўринбосари), Лутфилло ТУРСУНОВ (масъул котиб).</p>		<p>МАНЗИЛИМИЗ:</p> <p>100043, Тошкент, Бунёдкор шоҳқўчаси, 8-уй. Тел.: 288-40-65; 288-40-66, 288-40-69. Факс: 288-40-72. E-mail: info@xabar.uz Обуна индекси — 228.</p>	
	<p>Тахририятта келган қўлёзма ва суратлар эгаларига қайтарилмайди. Муаллифларнинг фикрлари тахририят фикридан фарқланиши мумкин. Нашримиздан кўчириб босилганда "Xabar"дан олинганлиги кўрсатилиши шарт.</p>		<p>Газета тахририят компьютер базасида терилди ва саҳифаланди. Дизайнер: Аслиддин БҮРИЕВ. Навбатчи: Собит АҲАДОВ.</p>	
<p>Газета Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги томонидан 0016 рақам билан 2006 йил 6 декабрда рўйхатга олинган.</p>	<p>Газета ҳафтанинг жума куни чиқади</p>	<p>"Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди. Манзил: Тошкент шаҳри, "Буюк Турон" кўчаси, 41-уй.</p>	<p>Г-452 сонли буюртма. Офсет усулида босилди. Қоғоз бичими А-3, ҳажми 4 босма табоқ. Адади: 16281 нусха.</p>	<p>ISSN 2010-6424</p> <p>Босишга топширилди — 20.00. Босишга топширилиш вақти — 20.00.</p>

Вилоят муҳбирлари:	Андижонда 226-47-80	Бухорода 223-27-85	Гулistonда 40-12-19	Жиззахда 226-06-34	Навонийда 225-91-10	Наманганда 232-97-86	Нукусда 554-35-45	Самарқандда 233-61-81	Термизда 224-06-12	Тошкентда 288-40-66	Урганчда 226-37-16	Фарғонада 224-91-56	Қаршида 314-08-99
--------------------	---------------------	--------------------	---------------------	--------------------	---------------------	----------------------	-------------------	-----------------------	--------------------	---------------------	--------------------	---------------------	-------------------